

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

46-сон  
(1170)  
2024 йил  
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

394. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 15 ноябрдаги ЎРҚ–1002-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

395. «Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги ПФ–185-сон Фармони

### Бешинчи бўлим

396. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 24 октябрдаги 118-сон «Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона

- реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3570*)
397. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 12 сентябрдаги 9-сон “Суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3571*)
398. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 8-oktabrdagi 31/11-son “Tijorat banklarida kassa ishini tashkil etish, naqd pul va boshqa qimmatliklarni inkassatsiya qilishga doir yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3028-9*)
399. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 8-oktabrdagi 180-son hamda Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil 25-sentabrdagi 2024-19-son “Byudjet tizimi byudjetlari daromadlarining kassa ijrosi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2771-5*)
400. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 14-oktabrdagi 28-son, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2024-yil 2-oktabrdagi 18-q/q-son “O‘rta maxsus va professional ta‘lim muassasalarida pedagog xodimlar ish faoliyatining vaqt me‘yorlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 12-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3572*)
401. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2024-yil 5-noyabrdagi 274-mh-son “UZ” domenidagi domen nomlarini ro‘yxatdan o‘tkazish va ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 14-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1830-3*)
402. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 14-oktabrdagi 31/11-son “Bir qarz oluvchi, o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi, shu jumladan bankka aloqador shaxslar uchun tavakkalchilikning eng ko‘p miqdori to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 14-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3283-1*)

403. O'zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasining 2024-yil 8-noyabrda 04/26-05/01-son "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o'rganish, ko'rik) o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 14-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2196-5*)
404. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 113-сон "Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3573*)
405. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон "Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3574*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ****394 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон  
ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил  
17 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 23 октябрда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон  
ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, у давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ҳамда мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (бундан буён матнда Омбудсман деб юритилади) инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчилигини такомиллаштиришга ҳамда уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмаклашади.

Омбудсман ўз фаолиятини ташкилотлар ва мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади.

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 ноябрда эълон қилинган.

Омбудсманга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси томонидан имзоланадиган гувоҳнома берилади. Омбудсман гувоҳномадан ўз ваколатлари муддати мобайнида фойдаланади.

### **3-модда. Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Омбудсман ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширади.

### **4-модда. Омбудсман фаолиятининг асосий принциплари**

Омбудсман фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, мустақиллик, адолатлилик, инсонпарварлик, камситишга йўл қўймаслик, холислик, очиқликдан иборатдир.

### **5-модда. Омбудсман лавозимига номзодга қўйиладиган талаблар**

Сайланиш куни ўттиз ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Омбудсман лавозимига сайланиши мумкин.

### **6-модда. Омбудсманни сайлаш**

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Омбудсман лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг Омбудсманни сайлаш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Омбудсман номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин палаталарнинг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Омбудсман ўз ваколатлари муддати тугагач, янги Омбудсман сайлангунига қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

Айни бир шахс Омбудсман лавозимига сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

### **7-модда. Омбудсман лавозимига номувофиқ бўлган фаолият**

Омбудсман сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни ўз ваколатлари муддатига тўхтатиб туриши ёхуд тугатиши шарт. Омбудсман

илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

### **8-модда. Омбудсман ўринбосари**

Омбудсман ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Омбудсман ўринбосари лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун Омбудсман томонидан тақдим этилади.

Омбудсман ўринбосари Омбудсманнинг зиммасидаги вазифаларини бажаришга кўмаклашади, Омбудсман йўқлигида унинг вазифасини бажариб туради.

Омбудсман ўз лавозимидан муддатидан илгари озод қилинган тақдирда, Омбудсман ўринбосари унинг вазифасини янги Омбудсман сайлангунига қадар бажариб туради ва Омбудсман учун белгиланган кафолатлар ана шу даврда унга нисбатан татбиқ этилади.

Омбудсман ўринбосари сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни ўз ваколатлари муддатига тўхтатиб туриши ёхуд тугатиши шарт. Омбудсман ўринбосари илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

### **9-модда. Омбудсманни ёки унинг ўринбосарини лавозимидан муддатидан илгари озод қилиш**

Омбудсман ёки унинг ўринбосари лавозимидан қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан муддатидан илгари озод қилиниши мумкин:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ариза берган тақдирда;

унинг соғлиғи ҳолати барқарор тарзда бузилган ва бу тиббиёт муассасаси томонидан берилган хулоса билан тасдиқланган тақдирда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

у қонунга кўра Омбудсман (Омбудсман ўринбосари) фаолиятига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;

у суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;

у суднинг қарори билан бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

у вафот этган тақдирда.

### **2-боб. Омбудсманнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолияти кафолатлари**

### **10-модда. Омбудсманнинг асосий вазифалари**

Омбудсманнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

ташкilotлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг амалда рўёбга чиқарилишини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ички ишлар органлари тизимига кирадиган маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус муассасаларда, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизони ҳамда қўшин гауптвахталарида, вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида, тергов ҳибсхоналарида, жазони ижро этиш муассасаларида, интизомий қисмларда, мажбурий даволаш муассасаларида (бундан буён матнда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар деб юритилади) қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш;

аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги халқаро ҳамда миллий қонунчилик нормаларини тарғиб қилиш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### **11-модда. Омбудсманнинг дахлсизлик ҳуқуқи**

Омбудсман ўз ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки унга суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Омбудсманга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Омбудсманни мажбурий келтиришга, ушлаб туришга, шунингдек унинг уй-жойини, хизмат хонасини, юкини, шахсий ва хизмат транспорт воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

### **12-модда. Омбудсманнинг ҳуқуқлари**

Омбудсман қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги хабарларни ташкilotлар ва мансабдор шахслар билан биргаликда текшириш;

ташкilotларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида иштирок этиш;

ташкilotларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш;

ўз ваколатларига тааллуқли масалалар юзасидан ташкilotлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатларни, таҳлилий материалларни, хулосаларни ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахслар билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим этиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ташкilotлар ва мансабдор шахсларга ёзма равишда огоҳлантириш юбориш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни баргараф этиш ҳақида ташкilotларнинг раҳбарларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

ҳаракатларида (ҳаракатсизлигида) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли ташкilotларга илтимоснома киритиш;

фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризалар ҳамда даъволар билан судларга мурожаат этиш;

инсоннинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир илмий-амалий, таҳлилий ишларни амалга ошириш учун илмий ва бошқа ташкilotларни, олимларни, экспертларни ҳамда мутахассисларни белгиланган тартибда, шу жумладан шартнома асосида жалб этиш.

Омбудсман қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **13-модда. Омбудсманнинг мажбуриятлари**

Омбудсман:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши;

ташкilotлар ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида амалга оширилаётган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

мурожаат этувчига унинг мурожаатини кўриб чиқиш натижаларини маълум қилиши шарт.



Омбудсманнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **14-модда. Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маъруза**

Омбудсман ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ўз фаолияти тўғрисида маъруза тақдим этади.

Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маърузада қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг (бундан буён матнда қийноққа солиш ҳоллари деб юритилади) олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам акс эттирилади.

Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маърузани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг мажлисларида кўриб чиқиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маърузани кўриб чиқиш яқунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан қабул қилинган қарорлар Омбудсманга юборилади.

#### **15-модда. Омбудсманнинг махсус маърузаси**

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маъруза тақдим этишга ҳақли. Махсус маъруза инсоннинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш бўйича хулоса ёки таклифлардан иборат бўлади.

#### **16-модда. Омбудсманнинг муқобил маърузаси**

Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан муқобил маъруза тайёрлашга ва тегишли халқаро ташкилотларга тақдим этишга ҳақли.

#### **17-модда. Омбудсман фаолиятининг очиқлиги**

Омбудсман ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор шахсларнинг, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланиши имкониятини таъминлайди.

Омбудсман ўз фаолияти тўғрисидаги тегишли ахборотни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради ва янгилаб туради, Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маърузани ҳамда бошқа материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Омбудсман ўз матбуот органини таъсис этиши ва бошқа матбуот нашрларининг ҳаммуассиси бўлиши мумкин.

**18-модда. Омбудсман фаолиятининг кафолатлари**

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва (ёки) Сенатининг тарқатиб юборилиши Омбудсман фаолиятини тўхтатиб туришга ёки тугатишга олиб келмайди.

**3-боб. Омбудсман томонидан мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби****19-модда. Омбудсман томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш**

Омбудсман аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқади. Омбудсман шикоятларни ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда, аризалар ҳамда таклифларни «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқади.

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, юридик шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ташкилотларнинг ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ҳамда ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Омбудсман учинчи шахсларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг муайян бир шахснинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун, башарти уларнинг бунга розилиги бўлса, қабул қилади.

Шикоятлар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда берилиши мумкин.

Омбудсман қабул жадвалларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини, шунингдек жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабулларини ташкил этади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадваллари, қабулни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби Омбудсманнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш, шунингдек унинг маъмурий биносига ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Омбудсман суднинг ваколатлари доирасига кирадиган масалаларни, шунингдек жисмоний шахсларнинг бошқа жисмоний шахслар томонидан уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир мурожаатларини кўриб чиқмайди.

Аноним мурожаатлар Омбудсман томонидан кўриб чиқилмайди.

### **20-модда. Омбудсман томонидан шикоятларни кўриб чиқиш шартлари**

Омбудсман мурожаат этувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан ёки, агар мурожаат этувчи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қаноатланмаган бўлса, унинг шикояти бўйича охириги қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йил ичида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати Омбудсман томонидан тикланиши мумкин.

### **21-модда. Омбудсманга бериладиган шикоятларга қўйиладиган талаблар**

Омбудсманга берилган шикоятда мурожаат этувчининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, шикоят юридик шахс томонидан берилган тақдирда эса унинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Шикоятда қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилади, мурожаат этувчининг фикрича, унинг ҳуқуқларини бузган қарорларнинг, ҳаракатларнинг ёки ҳаракатсизликнинг моҳияти баён этилади.

Шикоятлар давлат тилида ёки бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма шикоят мурожаат этувчининг имзоси ёки юридик шахс ваколатли вакилининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Ёзма шикоятни мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, шикоят уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Электрон шаклда берилган шикоят қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб шикоятлар қонунчиликда назарда тутилган тартибда уларнинг қонуний вакиллари томонидан берилиши мумкин.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлганда ёки ҳимоянинг ҳуқуқий воситаларидан мустақил равишда фойдаланишга лаёқатсиз шахсларни ҳимоя қилиш учун ўз ташаббуси билан фактлар текширувини ўтказишга ҳақлидир.

Шикоят бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек шикоятни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар шикоятга илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, бундан мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар мустасно.

Мурожаат этувчилар ва уларнинг вакиллари шикоятни у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқиладиган пайтда шикоят юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиши мумкин. Шикоятни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича Омбудсман томонидан чоралар кўрилишини истисно этмайди.

Омбудсманга берилган шикоят учун давлат божи ундирилмайди.

### **22-модда. Омбудсманнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоғидаги ҳуқуқлари**

Омбудсман жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда қўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш;

мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш;

мурожаатни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилотга ёки мансабдор шахсга юбориш;

мурожаатни кўриб чиқишни сабабини кўрсатган ҳолда рад этиш.

Омбудсман жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш чоғида қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### **23-модда. Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахсларнинг Омбудсманга мурожаат этиши**

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахслар оғзаки, ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаатларни уларнинг сони чекланмаган ҳолда Омбудсман номига юбориш ҳуқуқига эга.

Омбудсман номига юбориладиган мурожаатлар цензурадан ўтказилмайди.

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти мазкур жойларда сақланаётган шахсларнинг мурожаатларини Омбудсманга йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, муҳрланган тарзда юборди, телеграммаларни эса жазони ижро этиш муассасалари дарҳол юборди.

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахсларнинг мурожаатларига Омбудсманнинг юборилган жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ва мурожаат этувчига зудлик билан етказиб берилади.

Омбудсман, унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари мурожаатлар кўриб

чиқиладиганда, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳоллари Омбудсман ташаббуси билан ўрганиладиганда ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти Омбудсманнинг, унинг ўринбосарининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилларининг хавфсизлигини таъминлаши шарт.

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти Омбудсманга, унинг ўринбосарига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилларига мазкур жойларда сақланаётган шахслар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт, учрашув ва суҳбатлар ушбу муассасалар ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади.

Омбудсман Девонининг ходимлари ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга Омбудсман томонидан бериладиган махсус йўлланма билан монеликсиз кириши мумкин.

#### **24-модда. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг Омбудсманга мурожаатлар қутиси орқали мурожаат қилиши**

Жазони ижро этиш муассасаларининг ҳар бир турар жой секторида, sanoat зоналарида, қисқа ва узоқ муддатли учрашувларни ўтказиш учун мўлжалланган биноларда маҳкумлар мурожаатларни қолдириши учун қулай бўлган жойда Омбудсманга мурожаатлар қутиси (бундан буён матнда Омбудсман қутиси деб юритилади) ўрнатилади.

Омбудсман қутиси фақат Омбудсман ёки унинг Девони ходимлари томонидан бир ойда камида бир марта очилади.

Омбудсман ёки унинг Девони ходимлари Омбудсман қутисига келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш учун жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз киришга ҳақли.

Омбудсман қутисини ўрнатиш, ундан фойдаланиш ва у орқали мурожаатлар юбориш тартиби Омбудсман ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

#### **25-модда. Омбудсман томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари**

Омбудсманга мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахс, шунингдек Омбудсман томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилиш ёки эксперт баҳосини бериш топширилган шахслар бундай ҳаракат учун таъқиб қилиниши ёки уларнинг ҳуқуқлари бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

Омбудсман томонидан мурожаатлар кўриб чиқиладиганда жисмоний шахсларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шаклла-

ри, жойлашган ери (почта ёки электрон манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларга қараб камситилишига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳоллари текшириладиганда маълум бўлиб қолган, мурожаат этувчининг ва бошқа шахсларнинг шахсига доир маълумотлар уларнинг розилигисиз ошкор қилиниши мумкин эмас.

### **26-модда. Аризалар ва даъволар**

Омбудсман фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб аризалар ва даъволар билан судларга мурожаат қилиши мумкин.

Омбудсман фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар ва даъволар билан судларга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

### **27-модда. Хулоса**

Омбудсман шикоятни кўриб чиқиш натижалари юзасидан ҳаракатларида ёки ҳаракатсизлигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган ташкилотга ёки мансабдор шахсга инсоннинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга доир тавсиялар мавжуд бўлган ўз хулосасини юбориши мумкин.

Омбудсманнинг хулосасида қуйидаги тавсиялар назарда тутилиши мумкин:

ишнинг ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан охирига етказилиши зарурлиги;

ташкилотнинг ёки мансабдор шахснинг қарори ўзгартирилиши ёхуд бекор қилиниши кераклиги;

ташкилотнинг ёки мансабдор шахснинг қарори асосланиши зарурлиги;

ташкилот ёки мансабдор шахс қўшимча қарор қабул қилиши кераклиги.

Омбудсманнинг хулосасида бошқа тавсиялар ҳам бўлиши мумкин.

Омбудсманнинг хулосасини олган ташкилот ёки мансабдор шахс уни кўриб чиқиши ва бир ойдан кечиктирмай асослантирилган жавоб юбориши шарт.

## **4-боб. Омбудсманнинг таъсир чоралари**

### **28-модда. Омбудсман таъсир чораларининг турлари**

Огоҳлантириш, тақдимнома, илтимоснома ва талабнома Омбудсманнинг таъсир чораларидир.

### **29-модда. Огоҳлантириш**

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақидаги огоҳлантириш Омбудсман томонидан ташкилотларга ва мансабдор шахсларга ёзма равишда эълон қилинади.

Омбудсман мансабдор шахсга огоҳлантириш эълон қилинганлиги тўғри-

сида унинг юқори турувчи органига (мансабдор шахсига) хабар қилишга ҳақли.

### **30-модда. Тақдимнома**

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома Омбудсман томонидан ташкилотларнинг қонунчилик бузилишларини бартараф этиш юзасидан ваколат берилган раҳбарларига киритилади.

Тақдимнома кечиктирмай кўриб чиқилиши лозим ва кўрилган чоралар тўғрисида Омбудсманга, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, ўн беш кундан кечиктирмай ёзма шаклда хабар қилиниши керак.

### **31-модда. Илтимоснома**

Ҳаракатларида (ҳаракатсизлигида) инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ташкилотларга Омбудсман томонидан илтимоснома киритилади.

### **32-модда. Талабнома**

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга амалга оширилган мониторинг ташрифлари давомида аниқланган қийноққа солиш ҳолларини бартараф этиш ҳамда ушбу ҳолларнинг олдини олиш мақсадида Омбудсман томонидан тегишли ташкилотларга кўриб чиқилиши мажбурий бўлган талабнома киритилади.

Талабнома тезкорлик билан кўриб чиқилиши лозим ва кўрилган чоралар тўғрисида Омбудсманга, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, ўн кундан кечиктирмай ёзма шаклда хабар қилиниши керак.

### **5-боб. Омбудсманнинг қонунчиликни такомиллаштиришга доир фаолияти, унинг давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳамкорлиги**

#### **33-модда. Омбудсманнинг қонунчиликни такомиллаштиришга доир фаолияти**

Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этиши, лойиҳаларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида иштирок этиши ҳамда муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар ва мулоҳазалар киритиши мумкин.

**34-модда. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир фаолияти**

Омбудсман аҳолининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва халқаро шартномалари, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ҳамда нормалари тўғрисидаги билими ва хабардорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга оширади.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаларини, усулларини ва механизмларини ўргатишга қаратилган маърифий ҳамда таълим дастурларини, илмий-амалий тадбирлар ва семинарларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади.

**35-модда. Омбудсманнинг парламент назоратининг бошқа субъектлари билан ҳамкорлиги**

Омбудсман жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббусига кўра текшириш билан боғлиқ материалларни ҳар чоракда умумлаштириб боради.

Омбудсман жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ материалларни умумлаштириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишига олиб келувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш натижаларига кўра давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги таклиф билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталарига мурожаат қилиши мумкин.

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг парламент назоратини амалга оширишга доир тадбирларида иштирок этишга, уларга кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан материаллар тақдим этишга ҳақлидир.

**36-модда. Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан ҳамкорлиги**

Омбудсман қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши мумкин ва суд томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақлидир.

**37-модда. Омбудсманнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорлиги**

Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масала-



лари бўйича мажлисларида иштирок этишга ҳамда қонунчиликнинг қўлланилиши юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

**38-модда. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорлиги**

Омбудсман ўз фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорлик қилади.

**39-модда. Омбудсманнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги**

Омбудсман мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва бошқа дастурларни, шунингдек инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ўз вазифалари доирасида амалга оширади.

Омбудсман ўзи томонидан шакллантириладиган ишчи гуруҳлар ва экспертлар гуруҳлари, комиссиялар ҳамда бошқа жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Омбудсман инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан фуқаролик жамияти институтлари билан аҳборот алмашинувини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

Омбудсман фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиши, шунингдек улар билан битимлар тузиши мумкин.

**40-модда. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир фаолияти**

Омбудсман инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб киришга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар ва хорижий институтлар билан ҳамкорликни амалга оширишга ҳамда ривожлантиришга ҳақли.

Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномалари бажарилиши тўғрисида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий институтларнинг хабардорлигини оширишга кўмаклашади.

Омбудсман Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг бажарилишига доир маърузаларини тайёрлашда иштирок этади.

**41-модда. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия**

Омбудсманнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига кўмаклашиш мақсадида Омбудсманнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилиши мумкин.

Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Кенгашлари томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

**42-модда. Омбудсманнинг фаолиятига кўмаклашиш**

Ташкилотлар ва мансабдор шахслар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигига тааллуқли бўлган, Омбудсман томонидан сўралган ҳужжатларни, материалларни ҳамда бошқа маълумотларни тақдим этиши шарт.

Омбудсман ўз фаолиятига доир масалалар бўйича ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сирлари ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ бўлган ташкилотларга Омбудсманнинг кириши тартиби, шунингдек давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни Омбудсманга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Омбудсманнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

**6-боб. Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари фаолияти****43-модда. Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари**

Худудларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга кўмаклашиш учун Омбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакили (бундан буён матнда минтақавий вакил деб юритилади) доимий асосда фаолият юритади.

Минтақавий вакил Омбудсман томонидан тайинланади. Унга Омбудсман томонидан имзоланадиган гувоҳнома берилади.

Минтақавий вакил бевосита Омбудсманга ҳисобдордир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари минтақавий вакил фаолиятига кўмаклашади.

Минтақавий вакил ҳудудда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати тўғрисида Омбудсман билан келишилган ҳолда ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига маъруза тақдим этади.

Минтақавий вакилнинг фаолияти Омбудсман томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

#### **44-модда. Минтақавий вакилнинг асосий вазифалари**

Минтақавий вакилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

тегишли ҳудудда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш;

тегишли ҳудудда яшовчи жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклашда кўмаклашиш;

ўз ташаббуси билан ёки мурожаат этувчининг илтимосига кўра мурожаатни экспертлар, мутахассислар ва манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида кўриб чиқишни ташкил этиш;

харакатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахслар билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ахборот-маърифий ишларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан биргаликда амалга ошириш.

#### **45-модда. Минтақавий вакилнинг ҳуқуқлари**

Минтақавий вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги хабарларни ташкилотлар ва мансабдор шахслар билан биргаликда текшириш;

тегишли ҳудуддаги ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлисларида иштирок этиш;

тегишли ҳудуддаги ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш;

мурожаатни унинг моҳиятига кўра ҳал қилишга ваколатли бўлган тегишли ҳудуддаги ташкилотга ёки мансабдор шахсга юбориш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб тегишли ҳудуддаги ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакилларини ва мансабдор шахсларни таклиф этиш;

ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан тегишли ҳудуддаги ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан статистика маълумотларини, таҳлилий материалларни, хулосаларни ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш;

мурожаатни кўриб чиқишни сабабини кўрсатган ҳолда рад этиш.

Минтақавий вакил қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **46-модда. Минтақавий вакилнинг мажбуриятлари**

Минтақавий вакил:

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши;

Омбудсманнинг топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариши;  
ўз фаолияти тўғрисида Омбудсманга ҳисобот тақдим этиб бориши;  
давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини текшираётганда маълум бўлиб қолган, мурожаат этувчининг ва бошқа шахсларнинг шахсга доир маълумотларини уларнинг розилигисиз ошкор қилмаслиги;

мурожаат этувчига унинг мурожаатини кўриб чиқиш натижаларини хабар қилиши шарт.

Минтақавий вакилнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### **7-боб. Омбудсманнинг қийноққа солиш ҳолларининг олдини олиш бўйича фаолияти**

#### **47-модда. Омбудсманнинг қийноққа солиш ҳолларининг олдини олиш бўйича ваколатлари**

Омбудсман, унинг ўринбосари ва минтақавий вакиллари ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга исталган вақтда, монеликсиз ва дастлаб хабар бермасдан мониторинг ташрифларини амалга оширади.

Омбудсман, унинг ўринбосари ва минтақавий вакиллари ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларга мониторинг ташрифларини амалга ошириш чоғида:

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахсларнинг сони ҳақида ахборот олади;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахсларни сақлаш ва улар билан муомалада бўлиш шарт-шароитларини ўрганади;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақланаётган шахслар билан, шунингдек ушбу жойлар маъмуриятининг ходимлари билан учрашувлар ва суҳбатлар, шу жумладан холи учрашувлар ҳамда суҳбатлар ўтказади. Бунда, зарур бўлганда, мазкур учрашувлар ва суҳбатлар жараёни боришининг баённомаси юритилади, техника воситаларидан фойдаланилади;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда шахснинг сақланиши қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишади ва, зарур бўлганда, улардан кўчирма нусхалар олади;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар маъмуриятига мазкур жойларда сақланаётган шахсни тиббий текширувдан ўтказиш, унга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш юзасидан талабнома киритади. Мазкур тадбирлар ўтказилаётганда ушбу шахснинг розилиги билан ҳозир бўлиши мумкин;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти раҳбарларидан мазкур жойларда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари юзасидан тушунтиришлар олади.

Омбудсман:

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойлар маъмуриятининг ғайриқонуний ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) чек қўйиш учун зудлик билан чоралар кўради;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни сақлаш шарт-шароитлари тўғрисида хулоса тузади ва уни тегишли ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юборади;

тегишли ташкилотларга уларнинг қийноққа солиш ҳолларининг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифлар киритади;

қийноққа солиш ҳолларини бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотларга талабнома киритади.

Омбудсман сақланаётган шахслар ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган бошқа жойларда ҳам қийноққа солиш ҳолларининг олдини олиш бўйича ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган чораларни, Омбудсман ўринбосари ва минтақавий вакиллари эса ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган чораларни кўради.

**48-модда. Омбудсман ҳузуридаги Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари**

Омбудсманнинг қийноққа солиш ҳолларининг олдини олиш бўйича фаолиятига кўмаклашиш мақсадида Омбудсман томонидан Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари (бундан буён матнда Жамоатчилик гуруҳлари деб юритилади) ташкил этилади.

Жамоатчилик гуруҳлари, қоида тариқасида, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари билан иборат таркибда шакллантирилади. Бунда Жамоатчилик гуруҳи аъзоларининг камида қирқ фоизини аёллар ташкил этиши керак.

Омбудсман Жамоатчилик гуруҳлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда уларнинг вазифаларини белгилайди.

**49-модда. Жамоатчилик гуруҳлари аъзолари фаолиятининг кафолатлари**

Жамоатчилик гуруҳлари аъзолари ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ўзларига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида гувоҳлик беришга ёки бу ҳолатларни бирон-бир тарзда ошкор этишга мажбур қилиниши мумкин эмас. Бу кафолат шахс Жамоатчилик гуруҳи таркибидан чиққанидан кейин ҳам амал қилади.

**50-модда. Жамоатчилик гуруҳларининг фаолиятини ташкил этиш**

Жамоатчилик гуруҳларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**8-боб. Яқунловчи қоидалар**

**51-модда. Омбудсман Девони**

Омбудсман фаолияти Омбудсман Девони томонидан таъминланади.

Омбудсман Девони давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс бўлиб, ўз ҳисоб-китоб варағига ва бошқа ҳисобварақларига, ўз номи ёзилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган муҳрга ва бланкаларга эга бўлади.

Омбудсман Девонининг тузилмаси ва унинг ходимларининг штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Омбудсман Девони тўғрисидаги низом Омбудсман томонидан тасдиқланади.

Омбудсман фаолиятининг молиявий, моддий-техника ва бошқа таъминоти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда унда алоҳида сатрда назарда тутилади.

**52-модда. Омбудсман ва унинг ўринбосарининг транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқи**

Омбудсман ва унинг ўринбосари қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортида (бундан такси ва шаҳар йўловчилар транспорти мустасно) имтиёзли юриш ҳуқуқига эга.

**53-модда. Омбудсман тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Омбудсман тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**54-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 2, 104-модда, № 3, 187-модда, № 4, 269-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда, № 8, 818, 823, 828-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **18-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга»;

2) **79<sup>2</sup>-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Омбудсман қутиси тегишинча фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ёки унинг Девони ходимлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ёки унинг котибияти ходимлари томонидан очилади».

2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12,

637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 9, 588-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 12, 1003-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **33<sup>3</sup>-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«33<sup>3</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) маърузаларини кўриб чиқиш**

Қонунчилик палатаси ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маърузани эшитади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маърузада қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маъруза дастлабки тарзда фракциялар томонидан кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маърузасини муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) чиқиши билан бошланади, маърузадан сўнг фракцияларнинг вакиллари сўзга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маърузани эшитиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси қарор қабул қилади, қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) ва Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Қонунчилик палатасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузани тақдим этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузасини кўриб чиқиш тартиби Қонунчилик палатасининг Регламенти билан белгиланади».



3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 2, 47-модда, № 3, 162-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда, № 12, 884-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **32<sup>4</sup>-моддаси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«32<sup>4</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) маърузаларини кўриб чиқиш**

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маърузани эшитади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маърузада қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолларининг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маъруза дастлабки тарзда Сенат кўмиталари томонидан кўриб чиқилади.

Сенат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маърузасини муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) чиқиши билан бошланади, маърузадан сўнг Сенат кўмиталарининг вакиллари сўзга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги маърузасини эшитиш якунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади, қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) ва Қонунчилик палатасига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сенатга инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузани тақдим этишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича ва-

килининг (омбудсманнинг) инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузасини кўриб чиқиш тартиби Сенатнинг Регламенти билан белгиланади».

4. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–298-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 251-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) **23-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг), унинг ўринбосарининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бола ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Болалар омбудсманининг) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг қамоқда сақлаш жойларига бориши**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари (бундан буён матнда минтақавий вакиллар деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил қамоқда сақлаш жойларига монеликсиз кириш, шунингдек ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс билан учрашиш ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга), унинг ўринбосарига, минтақавий вакилларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакилига (Болалар омбудсманига) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ушлаб турилганлар, шунингдек қамоққа олинганлар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг), унинг ўринбосарининг, минтақавий вакилларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бола ҳуқуқлари бўйича

вакилининг (Болалар омбудсманининг) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар билан учрашувлари ва суҳбатлари қамоқда сақлаш жойи ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади».

5. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда) **70-моддаси биринчи қисми 5-бандининг еттинчи хатбоҳиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Девонини».

6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январда қабул қилинган **«Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»**ги ЎРҚ–420-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 1, 2-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда; 2024 йил, № 3, 244-модда) **23-моддаси биринчи қисмининг ўн биринчи хатбоҳиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«махсус қабулхонага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), унинг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари монеликсиз киришини ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаши».

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисми:**

**45-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳамда оилалар манфаатларини кўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

қуйидаги мазмундаги **46-банд** билан тўлдирилсин:

«46) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) — фуқаролар манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар ва даъволар билан судга мурожаат қилганда»;

2) **10-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **20-банд** билан тўлдирилсин:

«20) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) — фуқаролар манфаатларини кўзлаб бериладиган аризалар билан судга мурожаат қилганда».

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида**»ги 392–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 102-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган «**Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги 669–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 169-модда);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган «**Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 670–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 170-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–441-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 385-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартда қабул қилинган «**Маҳқумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–530-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 3, 165-модда) **2-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 сентябрда қабул қилин-

ган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–563-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 588-модда) **8-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **73-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 19 февралда қабул қилинган «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–909-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 109-модда) **2-моддаси**.

**55-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**56-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**57-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 15 ноябрь,  
ЎРҚ–1002-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **395** Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, зўравонликдан жабр кўрганлиги сабабли оиласидан олинган болалар (кейинги ўринларда — ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар)ни муқобил жойлаштириш шаклларини такомиллаштириш ҳамда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

боланинг оила муҳотида тарбия топишини таъминлашга қаратилган ижтимоий ҳимоя тизимини йўлга қўйиш, оилани қўллаб-қувватлаш ва камбағалликдан чиқаришга қўмаклашиш орқали ижтимоий етимликнинг олдини олиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жамиятга интеграция қилишга қаратилган хизматлар қўламини кенгайтириш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларнинг энг устун манфаатларидан келиб чиқиб, муқобил шаклда жойлаштириш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни муқобил жойлаштиришнинг ихтисослаштирилган тарбия муассасаларига жойлаштириш шаклини босқичма-босқич ноинституционаллаштириш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг вакилликсини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муқобил жойлаштиришнинг қуйидаги шаклларини белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

васийлик ва ҳомийликни белгилаш;

болани фарзандликка олиш;

тутинган (фостер) оилага (оилага тарбияга (патронат) олиш ҳамда оилавий болалар уйига (қисқа муддатли, узоқ муддатли ёки ихтисослашган жойлаштириш хизмати) бериш;

ихтисослаштирилган тарбия, соғломлаштириш ва тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

а) 2025 йил 1 январдан бошлаб меҳрибонлик уйлари ва болалар уйларига кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини вақтинчалик қабул қилиш тартиби бекор қилинади. Бунда «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури доирасида ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим томонидан оилани камбағалликдан чиқариш бўйича чоралар кўрилади;

б) 2025 йил 1 февралдан бошлаб оғир ҳаётий вазиятда ва яқин қариндошлари кўмагисиз қолганлиги натижасида фарзандини тарбиялашдан возкечмоқчи бўлган оналар, шу жумладан, ҳомиладор аёллар (кейинги ўринларда — оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оналар) учун болалар уйларида «Оналар маскани» хизмати йўлга қўйилади. Бунда:

оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оналар ва уларнинг болалари (4 ёшга тўлмаган) 1 йилгача бўлган муддатга ижтимоий шартнома асосида вақтинча бошпана билан таъминланади;

оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оналарга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий хизматлар кўрсатилади, уларда оналик ва касбий кўникмалар шакллантирилади;

«Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» марказлари) оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган оналарнинг касб-ҳунар эгаллаши ва бандлигини таъминлашга кўмаклашади;

в) 2025 йил 1 мартдан бошлаб Камбағал оилалар реестрига киритилган ва расмий банд бўлган ёлғиз она (ота)га ижтимоий шартнома асосида бир нафар фарзанди учун бола(лар) уч ёшга тўлгунига қадар мактабгача таълим хизматидан фойдаланиш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ярим бараваригача миқдорида моддий ёрдам берилади.

Бунда агар болалар эгизак бўлса, моддий ёрдам эгизакларнинг ҳар бири учун берилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2025 йил 1 февралдан бошлаб:

а) ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш бўйича:

ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ҳолати ва турмуш шароитлари «Инсон» марказлари томонидан комплекс баҳоланади ҳамда баҳолаш натижалари асосида болаларнинг ижтимоий мақоми белгиланади;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган, шунингдек, зўравонликдан жабр кўрганлиги сабабли оиласидан олинган болаларнинг ижтимоий мақоми ва муқобил жойлаштириш шакли белгилангунига қадар уларни олти ойгача бўлган муддатга оилавий болалар уйига қисқа муддатли жойлаштириш тартиби жорий этилади;

болаларни муқобил жойлаштириш шакллари бўйича жойлаштириш (бундан фарзандликка ва тутинган (фостер) оилага олиш мустасно) «Инсон» марказларининг, оилавий болалар уйини ташкил этиш ва тугатиш Агентлик ҳудудий бошқармасининг қарори асосида амалга оширилади;

етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар тутинган (фостер) оилага «Инсон» марказлари ва болани тарбияга олган шахслар ўртасида тузиладиган шартнома асосида жойлаштирилади. Бунда мазкур Фармон қабул қилингунига қадар тутинган ота-оналар билан тузилган битим ва (ёки)

болани жойлаштириш тўғрисида қабул қилинган қарор болалар муқобил жойлаштириш шакллари бўйича жойлаштирилган муддат тугагунга қадар ўз кучини сақлаб қолади;

б) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда уларни муқобил жойлаштириш шаклларида бири бўйича олиш истагини билдирган шахсларнинг ҳисобини юритиш бўйича:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш, болаларни ҳамда уларни муқобил жойлаштириш шаклларида бири бўйича олиш истагини билдирган шахслар (кейинги ўринларда — номзод)ни ҳисобга олиш «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «ЯМИХ» АТ) амалга оширилади;

номзодлардан аризаларни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш имконияти яратилади;

номзодлардан талаб қилинадиган айрим турдаги ҳужжатлар «Инсон» марказлари томонидан «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил олинади;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг жойлаштирилганлиги, болалар учун ишлаб чиқилган индивидуал ривожланиш ва интеграция режалари ҳамда уларнинг ижроси мониторинги натижалари бўйича маълумотлар «ЯМИХ» АТга киритиб борилади;

в) ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштириш шакллари бўйича:

оилавий болалар уйини ташкил этиш учун оиланинг эр ва хотиндан иборат тўлиқ оила бўлиши талаби бекор қилинади ҳамда 30 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига оилавий болалар уйини ташкил этишга рухсат этилади;

оилавий болалар уйини ташкил этган фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида эътироф этилади ҳамда уларга ўз мажбуриятларини бошқа шахсларга юклашига ёхуд учинчи шахсларни жалб қилишига йўл қўйилмайди;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар оилага тарбияга (патронат) фақат уларнинг қариндошларига берилади;

тутинган (фостер) оилада тарбияланаётган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг яшаш харажатлари, шунингдек, оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларга болани тарбиялагани (парваришлагани) учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлар тарбияланувчилар умумий ўрта, ўрта махсус ва бошланғич профессионал таълим муассасаларини тамомлагунига қадар сақлаб қолинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–330-сон қарорига мувофиқ:

2025 йил 1 апрелдан бошлаб ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш



хизматини кўрсатиш мақсадида маҳаллаларда оила шаклидаги кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этилиши;

дастлабки босқичда мазкур тадбирлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2024 йилда Тошкент шаҳрида амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2025 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич Андижон вилоятида Агентлик тизимидаги тиббий-ижтимоий муассаса ҳузурида, Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд вилоятида Агентлик тизимидаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш учун тарбия муассасаси ҳузурида кичик ҳажмли болалар уйи ташкил этилсин.

7. 2025 йил 1 апрелдан бошлаб ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга узоқ ёки қисқа муддатли ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш хизматини кўрсатиш жараёнига нодавлат секторни жалб этишнинг қўйидаги тартиби жорий этилсин:

нодавлат ташкилотлар томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга узоқ ёки қисқа муддатли ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш хизматини кўрсатиш қонунчиликка мувофиқ Агентлик билан тузиладиган давлат ижтимоий буюртмаси, аутсорсинг ёки бошқа турдаги шартномалар асосида амалга оширилади;

нодавлат ташкилотлар томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга узоқ ёки қисқа муддатли ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш хизматини кўрсатиш учун жойлаштириладиган болалар сони Агентлик томонидан белгиланади;

нодавлат ташкилотлар томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга узоқ ёки қисқа муддатли ғамхўрлик қилиш ҳамда тарбиялаш хизматининг кўрсатилиши «Инсон» марказлари томонидан мониторинг қилинади;

Агентликка етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга узоқ ёки қисқа муддатли ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш хизматини кўрсатиш бўйича давлат ижтимоий буюртмаси, аутсорсинг ва бошқа турдаги шартномалар бўйича харажатларни Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга рухсат берилади.

8. Белгилансинки, 2025 йил 1 февралдан бошлаб «Инсон» марказлари муқобил жойлаштириш шакллари (бундан болани васийликка, ҳомийликка ва фарзандликка олиш мустасно) бўйича жойлаштирилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакили ҳисобланади. Бунда «Инсон» марказларига:

тутинган (фостер) оила ҳамда ихтисослаштирилган тарбия муассасалари томонидан болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, тарбиялаш ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатилишини назорат қилиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакили сифатида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан, судда муқобил жойлаштириш шакллари бўйича тарбияга олинган (бундан фарзандликка олинган болалар мустасно)

болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг номидан ва уларнинг энг устун манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш вазифаси юклатилади.

9. «Инсон» марказларига:

муқобил жойлаштириш шакллари бўйича жойлаштирилган болаларнинг турмуш шароитларини, давлат томонидан берилаётган маблағларнинг болалар манфаати учун сарфланаётганлигини ва болаларни тарбияга олган шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажаришини мониторинг қилиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, ёлғиз она қарамоғидаги болаларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқларини таъминлашда алимент тўловлари, боланинг соғлигини тиклаш ва реабилитацияси учун қўшимча харажатларни ота-она ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслардан бола фойдасига ундириш бўйича судга ариза (даъво аризаси) киритиш;

боланинг ота-онасини бедарак йўқолган деб топиш ва (ёки) вафот этган деб эълон қилиш бўйича судга ариза киритиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мерос ёки мол-мулкка эгалик қилишнинг бошқа шакллари асосида тегишли бўлган мол-мулкнинг улар вояга етгунига қадар бошқа шахсларга беришнинг олдини олиш чораларини кўриш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз вазифаларини амалга оширишлари учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини барча давлат органлари, ташкилотлар ва муассасалардан сўров асосида бепул олиш ҳуқуқи берилсин.

10. Белгилансинки:

«Инсон» марказлари боланинг соғлигини тиклаш ва реабилитацияси учун қўшимча харажатларни ота-она ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслардан бола фойдасига ундириш бўйича судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилади;

алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволидан қатъи назар давлат ёки нодавлат муассасаларнинг тўлиқ таъминотида бўлган вояга етмаган болага тўланаётган алимент миқдорини суд томонидан камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш тартиби бекор қилинади;

болага тайинланган алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги ишларни судда кўриб чиқишда «Инсон» марказлари жалб этилади. Бунда боланинг ва алимент тўловчининг яшаш шароитлари «Инсон» марказлари томонидан комплекс баҳоланади.

11. Ота-онаси хорижий давлатларга, шу жумладан, ташқи меҳнат миграциясига кетган болаларнинг назоратсиз қолишининг олдини олиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2025 йил 1 январдан бошлаб Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетганига уч ойдан ошган фуқаролар (эр-хотин, ёлғиз она ёки ота) тўғрисидаги маълумотларни;

2025 йил 1 июлдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги уч ойдан ортиқ муддатга ташқи меҳнат миграциясига юборилган фуқаролар (эр-хотин, ёлғиз она ёки ота) тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракда Агентликка тақдим этиб боради.

12. 2025 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Меҳр дафтари» жамғармалари амалдаги молиялаштириш манбалари ҳамда мавжуд қолдиқ маблағлари Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармасига ўтказилган ҳолда тугатилсин.

Бунда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси томонидан «Меҳр дафтари»-га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш тадбирлари учун ажратилган маблағлар Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг вазна ҳисобварағига ушбу ҳудудлардаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

13. Агентликнинг муқобил жойлаштириш шакллари бўйича жойлаштирилган (бундан фарзандликка олинган болалар мустасно) 14 ёшдан 23 ёшгача бўлган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшлар (кейинги ўринларда — етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшлар) учун «Ёшларга ҳамроҳлик» дастурини амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда «Ёшларга ҳамроҳлик» дастури доирасида:

а) «Инсон» марказлари томонидан:

етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларга ижтимоий ходим бириктирилади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган индивидуал интеграция режаси тасдиқланади ва ижроси мониторинг қилиб борилади. Бунда индивидуал интеграция режасида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ҳамда самарали ижро этилиши юзасидан назорат Агентлик ҳузуридаги Ижтимоий инспекция томонидан амалга оширилади;

б) олий таълим муассасаларини тамомлаган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшлар давлат фуқаролик хизматига танловсиз қабул қилинади;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларга Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим олиш, бандлигини таъминлаш, даволаниш ҳамда уй-жой шароитларини яхшилаш учун ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

14. Агентликнинг 2025 йил 1 январдан бошлаб тутинган ота-оналарни тайёрлаш курсларига етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш истагини билдирган номзодларни ҳам қамраб олиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш истагини билдирган номзодларни ҳамда тутинган ота-оналарни ўқитиш Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази томонидан ташкил этилади ҳамда мувофиқлаштирилади.

15. Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

16. Ички ишлар вазирлиги Агентлик билан биргаликда икки ой муддатда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

17. Агентлик:

икки ой муддатда Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартибини;

уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ҳукуматга киритсин;

2025 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни парвариш қилиш бўйича стандартлар ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 2-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

19. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Агентлик директори М.П. Оллоёров белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 ноябрь,  
ПФ–185-сон

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ РАИСИНИНГ  
БУЙРУҒИ****396 Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3570*

Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон «Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Мазкур буйруқ 2029 йил 1 январга қадар амал қилади.

**Раис****А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 24 октябрь,  
118-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат хавфсизлик хизмати раисининг  
2024 йил 24 октябрдаги 118-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси  
объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини  
шакллантириш тартиби тўғрисидаги  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг тоифасини қайта кўриб чиқиш, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг вақтинчалик ягона реестрини (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) юритиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**муҳим ахборот инфратузилмаси** (бундан буён матнда МАИ деб юритилади) — муҳим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурсларининг мажмуи;

**муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари** — давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатиш, мудофаа, давлат хавфсизлигини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ёқилғи-энергетика мажмуи (атом энергетикаси), кимё, нефть-кимё тармоқлари, металлургия, сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, банк-молия тизими, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, стратегик аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларни казиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ва ижтимоий соҳада қўлланиладиган ахборотлаштириш тизимлари;

**МАИ субъектлари** — давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек мулк, ижара ҳуқуқлари асосида ёки бошқа қонуний асосларда муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига эгалик қилувчи юридик шахслар, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг ишлашини ҳамда ҳамкорлигини таъминловчи юридик шахслар ва (ёки) яқка тартибдаги тадбиркорлар;

**киберхавфсизлик ҳодисаси** — кибермаконда ахборот тизимларининг ишлашида узилишларга ва (ёки) улардаги ахборотнинг очиқлиги, яхлитлиги ва ундан эркин фойдаланилишининг бузилишига олиб келган ҳодиса.

2. МАИ объектларини тоифалаш ва Реестрни юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

МАИ объектларини тоифалаш ва Реестрни юритиш бевосита ваколатли

давлат органи ташаббусига кўра ёки унинг ёзма топшириғи асосида ваколатли давлат органининг ишчи органи — «Киберхавфсизлик маркази» ДУК (бундан буён матнда ишчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилиши мумкин.

## **2-боб. Муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш тартиби ва мезонлари**

3. МАИ объектларига эгалик қилувчи МАИ субъектлари (бундан буён матнда МАИ объекти эгаси деб юритилади) ҳар йили камида бир марта МАИ объектларини тоифалаш лозим.

4. МАИ объектини тоифалаш учун қуйидаги таркибда комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) тузилади:

МАИ объекти эгаси;

МАИ объекти ишлаши ва ҳамкорлигини таъминловчи шахслар;

МАИ объектининг фаолияти хавфсизлигини таъминловчи шахслар.

МАИ объекти эгасининг қарорига мувофиқ комиссия таркибига бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

МАИ объекти эгаси Комиссия раҳбари ҳисобланади.

5. Ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда МАИ объектини тоифалаш ишлари бошқа ташкилотлар (бундан буён матнда тоифаловчи ташкилот деб юритилади) томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда, МАИ объектини тоифалаш натижаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик МАИ объекти эгаси зиммасига юкланади.

6. Комиссия ёки тоифаловчи ташкилот томонидан МАИ объектини тоифалаш ишлари ўттиз иш куни ичида амалга оширилади.

7. Комиссия ёки тоифаловчи ташкилот МАИ объектининг тоифасини аниқлаш учун қуйидаги ишларни амалга оширади:

МАИ объекти томонидан амалга ошириладиган ахборотни қайта ишлаш (тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва бошқалар) жараёнларини аниқлаш;

МАИ объекти томонидан муҳим жараёнлар бажарилишини таъминлаш ва (ёки) уларни бажарилишини бошқариш, назорат қилиш ёки кузатишни амалга ошириш учун зарур маълумотларни қайта ишлаш жараёнларини аниқлаш;

МАИ объектида киберхавфсизлик ҳодисалари юз беришига сабаб бўлиши мумкин бўлган кибертахдид ва заифликларни, шу жумладан бузғунчи хатти-ҳаракатлар ҳамда киберхавфсизлик таҳдидларининг бошқа манбаларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;

МАИ объектида киберхавфсизлик ҳодисалари натижасида юзага келиши мумкин бўлган оқибатлар ва зарар кўламини баҳолаш;

мазкур Низомнинг 9-бандида белгиланган мезонлардан келиб чиқиб МАИ объектини тоифасини белгилаш.

8. Комиссия ёки тоифаловчи ташкилот МАИ объектини тоифалашда МАИ объектида киберхавфсизлик ҳодисалари натижасида қуйидаги оқибатлар юзага келиши мумкинлигини аниқлайди:

давлат ёки маълум бир ҳудудни бошқариш функцияларининг бузилиши ёки тугатилиши;

давлат органига юклатилган вазифаларнинг бажарилмаслиги;

хизмат кўрсатиш объектларининг техник регламентлар ёки бошқа ҳужжатларда рухсат этилган максимал вақт давомида ишлашининг бузилиши ёки тўхташи;

давлатнинг нуфузи ва обрўсига зарар етиши;

халқаро барқарорликнинг бузилиши;

конфиденциал ва давлат сирларини ўз ичига олган маълумотларнинг ошкор қилиниши;

давлат мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги таъминланишининг бузилиши;

банк-молия тизими барқарорлигининг бузилиши, шунингдек давлатнинг бевосита ёки билвосита молиявий зарар кўриши;

транспорт тизими хавфсизлигининг бузилиши;

телекоммуникация хизматларининг ишдан чиқиши ва телекоммуникация тармоқлари фаолият кўрсатишида бузилишлар юзага келиши;

аҳоли пунктлари ва шаҳарларда ҳаёт фаолиятини таъминлаш тизимларининг бузилиши;

инсон соғлиғига зарар етиши;

давлат иқтисодий кўрсаткичларининг пасайиши, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга товарларни узлуксиз ишлаб чиқарилишининг тўхташи;

ҳуқуқ-тартиботнинг оммавий бузилиши;

аҳоли саломатлиги ва ҳаётига зарар етишига, миллий ресурсларнинг (табiiй, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, ишлаб чиқариш, ахборот ресурслари ва бошқалар) йўқ қилинишига, шунингдек атроф-муҳитга зарар етишига олиб келадиган минтақавий миқёсдаги авария ва ҳалокатларнинг содир бўлиши.

9. МАИ объектлари қуйидаги мезонлар асосида тоифаларга бўлинади:

а) юқори даражадаги МАИ объектлари — киберхавфсизлик ҳодисаси натижасида ишдан чиқиши туфайли жуда кўп миқдорда зарар етиши, 20 дан ортиқ одамнинг соғлиғига зарар етиши, 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилиши ёки катта экин майдонига тенг бўлган ҳудудда атроф-муҳитга зарар етиши мумкин бўлган МАИ объектлари.

Мазкур кичик банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқишидан қатъи назар давлат сирларига оид маълумотлар айланмаси мавжуд бўлган, шунингдек ёқилғи-энергетика, атом энергетикаси, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация ва қўриқланадиган шахслар доимий ёки вақтинчалик турган жойлардаги МАИ объектлари юқори даражадаги МАИ объекти ҳисобланади;

б) ўрта даражадаги МАИ объектлари — киберхавфсизлик ҳодисаси натижасида ишдан чиқиши туфайли кўп миқдорда зарар етиши, 10 дан ортиқ, бироқ 20 дан кўп бўлмаган одамнинг соғлиғига зарар етиши, 100 дан ортиқ, бироқ 500 дан кўп бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилиши, ўртача катталиқдаги экин майдонига тенг бўлган ҳудудда атроф-муҳитга зарар етиши ёки давлатнинг нуфузи ва обрўсига зарар етиши мумкин бўлган МАИ объектлари.



в) паст даражадаги МАИ объектлари — юқори ва ўрта даражадаги МАИ объектлари тоифасига кирмайдиган МАИ объектлари.

### **3-боб. МАИ объектларини тоифалаш натижаларини расмийлаштириш**

10. Комиссия ёки тоифаловчи ташкилот томонидан МАИ объектини тоифалаш натижалари бўйича қўйидаги маълумотларни ўз ичига олган далолатнома расмийлаштирилади:

МАИ объектнинг номи;

МАИ объекти эгаси тўғрисидаги маълумотлар (юримдик шахсининг тўлиқ номи, жойлашган жойи (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакли);

МАИ объектида киберхавфсизликни таъминлашга масъул бўлган ходим тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, маълумоти, киберхавфсизликни таъминлаш учун масъул этиб тайинланганлиги ҳақидаги бўйруқ, аттестациядан ўтганлиги тўғрисида маълумот, малакасини оширганлиги тўғрисидаги маълумот, телефон рақами, электрон почтаси);

МАИ объектнинг қўлами ва мақсади;

МАИ объектида қўлланиладиган ахборотлаштириш, аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларнинг номи ва тури ҳамда уларга берилган лицензия ва мувофиқлик сертификатининг рақами ҳамда санаси;

МАИ объектнинг киберҳимоясини таъминлашда фойдаланиладиган воситаларнинг номи ва тури ҳамда уларга берилган лицензия ва мувофиқлик сертификатининг рақами ҳамда санаси;

МАИ объектнинг телекоммуникация тармоғи ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши ҳақидаги маълумотлар;

МАИ объектида юзага келиши мумкин бўлган заифликлар, кибертахдидлар, киберхужумлар ва бошқа бузғунчи хатти-ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар;

МАИ объектида киберхавфсизлик ходисаси натижасида ишдан чиқиши туфайли юзага келиши мумкин бўлган оқибат ва зарарлар;

МАИ объектнинг тегишли тоифаси.

11. МАИ объектини тоифалаш натижалари бўйича далолатнома икки нусхада, тоифалаш тоифаловчи ташкилот томонидан амалга оширилганда эса уч нусхада тузилади.

12. МАИ объектини тоифалаш натижалари бўйича далолатнома комиссия аъзолари томонидан, тоифалаш тоифаловчи ташкилот томонидан амалга оширилганда, тоифаловчи ташкилот раҳбари ва тоифалашда иштирок этган ходимлар томонидан имзоланади ҳамда МАИ объекти эгаси томонидан тасдиқланади.

13. МАИ объектини тоифалаш натижалари бўйича далолатномага уни тузиш ва тоифалаш учун фойдаланилган ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинади.

14. МАИ объекти эгаси томонидан МАИ объектини тоифалаш натижалари бўйича далолатнома тузилган кундан бошлаб беш иш куни ичида МАИ

объектини Реестрга киритиш тўғрисида ушбу Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ариза қоғоз ёки электрон шаклда ваколатли давлат органига тақдим этилади. Аризага МАИ объектлари тоифалаш натижалари бўйича далолатнома илова қилинади.

#### **4-боб. МАИ объектларининг тоифасини қайта кўриб чиқиш**

15. Комиссия ёки тоифаловчи ташкилот томонидан ҳар йили камида бир марта илгари тоифаланган МАИ объектларининг тоифалари мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилади.

МАИ объектга дастурий ва техник таъминот воситаларини қўшиш ёки ўчириш, МАИ объектларининг конфигурацияси ҳамда киберҳимоя воситалари ёхуд унинг қўлами ва мақсади ўзгарганда, комиссия ёки тоифаловчи ташкилот томонидан МАИ объектларининг тоифалари ўттиз иш куни ичида мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилади.

16. МАИ объектларининг тоифаларини қайта кўриб чиқишда мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган мезонлар асосида МАИ объектлари бир тоифадан бошқа тоифага ўтказилиши ёки ўзгаришсиз қолдирилиши мумкин.

17. МАИ объектларининг тоифасини қайта кўриб чиқиш натижалари бўйича мазкур Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда далолатнома тузилади.

18. МАИ объекти эгаси томонидан МАИ объектларининг тоифаларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги далолатнома тузилган кундан бошлаб беш иш куни ичида ушбу далолатнома ҳамда МАИ объектларининг тоифаси ўзгарган тақдирда, мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза қоғоз ёки электрон шаклда ваколатли давлат органига тақдим этилади.

#### **5-боб. МАИ объектларини Реестрга киритиш ва Реестрни юритиш**

19. Ваколатли давлат органи МАИ объектларини мазкур Низомнинг 2-иловасидаги\* схемага мувофиқ Реестрга киритади.

МАИ объектларини Реестрга киритиш бевосита ваколатли давлат органи ташаббусига кўра ёки унинг ёзма топшириғи асосида ишчи орган томонидан амалга оширилиши мумкин.

20. МАИ объектлари Реестрга киритиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар (бундан буён матнда ариза деб юритилади) ваколатли давлат органига келиб тушган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли давлат органи ёки ишчи орган томонидан кўриб чиқилади.

21. Аризани кўриб чиқишда ваколатли давлат органи ва ишчи орган қуйидаги ҳуқуқларга эга:

МАИ объекти эгасидан аризада келтирилган маълумотларга изоҳ ва қўшимчалар сўраш;

МАИ объектларининг тоифасини аниқлашда МАИ объекти эгаси томонидан

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

берилган маълумотларининг ишончлилигини ва тўғрилигини жойига чиққан ҳолда текшириш.

22. Ваколатли давлат органи ёки ишчи орган ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичида аризанинг тўғри ва тўлиқлигини текширади.

Ариза мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилмаган тақдирда, ваколатли давлат органи ёки ишчи орган ариза келиб тушган кундан ўн кундан кўп бўлмаган муддатда МАИ объекти эгасига камчиликларни кўрсатган ҳолда қоғоз ёки электрон шаклда хабарнома юборади.

МАИ объекти эгаси ўн иш куни ичида камчиликларни бартараф этади ва натижаси бўйича маълумотларни ваколатли давлат органи ёки ишчи органга юборади.

Камчиликлар ўн иш куни ичида бартараф этилмаса, МАИ объекти эгаси МАИ объектини Реестрга киритиш учун ваколатли давлат органига янги ариза билан мурожаат қилади.

23. Ваколатли давлат органи ёки ишчи орган аризанинг тўғри ва тўлиқлигини текширганидан сўнг ўн иш куни ичида аризада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўғрилигини жойига чиққан ҳолда текширади.

24. Ваколатли давлат органи ёки ишчи орган томонидан аризани кўриб чиқиш қўйидаги ҳолларда рад этилади:

аризага далолатнома илова қилинмаса ёки далолатнома ушбу Низомнинг 3-бобида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса;

аризада назарда тутилган маълумотлар нотўғри ва ҳужжатлар билан тасдиқланмаган ахборотга асосланган бўлса;

тақдим қилинган аризадаги маълумотлар ўртасида номувофиқликлар мавжуд бўлса ёки аризада кўрсатилган маълумотларни жойига чиққан ҳолда текширишда номувофиқликлар аниқланса.

25. Мазкур Низомнинг 24-бандига мувофиқ аризани кўриб чиқиш рад этилган тақдирда, бу ҳақда шу куннинг ўзида МАИ объекти эгасига ёзма хабарнома юборилади. Хабарномада аризани кўриб чиқишнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилади.

26. МАИ объекти эгаси аризани кўриб чиқишнинг рад этилишига асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолда, ўттиз беш иш куни ичида МАИ объектини Реестрга киритиш учун такроран мурожаат қилиши керак.

27. Аризани кўриб чиқиш рад этилган тақдирда, такроран киритилган ариза ушбу Низомга мувофиқ умумий асосларда ва белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

28. Ваколатли давлат органи ёки ишчи орган томонидан ўн иш куни ичида МАИ объектларини Реестрга киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда мазкур Низомнинг 32-бандидаги маълумотлар Реестрга киритилади ва МАИ объекти эгасига бу ҳақда қоғоз ёки электрон шаклда хабарнома юборилади.

29. Реестрга киритилган маълумотларнинг долзарблиги ва ишончлилигини таъминлаш учун ваколатли давлат органи ёки ишчи орган МАИ объекти эгаси томонидан Реестрга киритилган МАИ объектлари тўғрисидаги маълумотларни бериш муддатларини белгилайди.

30. Реестрга киритилган маълумотларга ваколатли давлат органи ёки ишчи орган томонидан қуйидаги ҳолатларда ўзгартиришлар киритилиши мумкин:

МАИ объекти эгасининг Реестрга киритилган МАИ объекти маълумотлари ўзгарганлиги ҳақидаги қоғоз ёки электрон шаклда юборилган хабарномаси ёхуд аризаси асосида;

ваколатли орган ёки ишчи орган, шу жумладан ваколатли орган топшириғи асосида МАИ объектининг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан ўтказилган тадбирлар натижалари асосида.

31. МАИ объектининг фаолияти тугатилганлиги ҳақида МАИ объекти эгасининг мурожаатига мувофиқ ваколатли давлат органи ёки ишчи орган МАИ объектини Реестрдан чиқаради.

### **6-боб. Реестрга киритиладиган асосий маълумотлар рўйхати**

32. Реестрга МАИ объектлари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар киритилади:

МАИ объектининг номи;

МАИ объекти эгаси тўғрисидаги маълумотлар (юридик шахснинг тўлик номи, жойлашган жойи (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакли, банк реквизитлари, СТИР, телефон рақами, факси, электрон почтаси);

МАИ объектининг киберхавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган ҳодим тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, маълумоти, киберхавфсизликни таъминлаш учун масъул этиб тайинланганлиги ҳақидаги буйруқ, аттестациядан ўтганлиги тўғрисида маълумот, малакасини оширганлиги тўғрисидаги маълумот, телефон рақами, электрон почтаси);

МАИ объектининг қўлами ва мақсади;

МАИ объектида қўлланиладиган ахборотлаштириш аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларнинг номи ва тури ҳамда уларга берилган лицензия ва мувофиқлик сертификатининг рақами ҳамда санаси;

МАИ объектининг киберҳимоясини таъминлашда фойдаланиладиган воситаларнинг номи ва тури ҳамда уларга берилган лицензия ва мувофиқлик сертификатининг рақами ҳамда санаси;

МАИ объектининг телекоммуникация тармоғи ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши ҳақидаги маълумотлар;

МАИ объектида юзага келиши мумкин бўлган заифликлар, кибертаҳдидлар, киберхужумлар ва бошқа бузғунчи хатти-ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар;

МАИ объекти киберхавфсизлик ҳодисаси натижасида ишдан чиқиши туфайли юзага келиши мумкин бўлган оқибат ва зарарлар;

МАИ объектининг тегишли тоифаси.

33. Реестрдаги маълумотлар базаси махфийлаштирилади ва ундаги маълумотлар қонунчиликка мувофиқ ҳимоя қилиниши керак.

34. Киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида ваколатли давлат органи томонидан Реестрда мав-

жуд бўлган маълумотлар бошқа давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этилиши мумкин.

### 7-боб. МАИ объектига идентификация рақамини бериш

35. Реестрга киритилган МАИ объекти учун лотин алифбосининг бош харфлари ва рақамлардан ташкил топган дефис билан ажратилган уч қисмдан иборат «XX-X-XXXXX» кўринишдаги идентификация рақами (бундан буён матнда идентификация рақами деб юритилади) берилади.

36. Идентификация рақамининг биринчи қисми МАИ объекти жойлашган худудни англатувчи 01 дан 14 гача бўлган қуйидаги рақамлар билан белгиланади:

- 01 — Тошкент шаҳри;
- 02 — Тошкент вилояти;
- 03 — Сирдарё вилояти;
- 04 — Жиззах вилояти;
- 05 — Самарқанд вилояти;
- 06 — Фарғона вилояти;
- 07 — Наманган вилояти;
- 08 — Андижон вилояти;
- 09 — Қашқадарё вилояти;
- 10 — Сурхондарё вилояти;
- 11 — Бухоро вилояти;
- 12 — Навоий вилояти;
- 13 — Хоразм вилояти;
- 14 — Қорақалпоғистон Республикаси.

37. Идентификация рақамининг иккинчи қисми лотин алифбосининг бош харфлари билан белгиланиб, МАИ объектининг қуйидаги соҳаларга тегишлилигини англатади:

- A — давлат бошқаруви ва давлат хизматлари;
- B — муҳофаза;
- C — давлат хавфсизлиги;
- D — ҳуқуқ-тартибот;
- E — ёқилғи-энергетика мажмуи (атом энергетикаси);
- F — кимё;
- G — нефть-кимё;
- I — металлургия;
- J — сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти;
- K — қишлоқ хўжалиги;
- L — соғлиқни сақлаш;
- M — уй-жой коммунал хизматлари;
- N — банк-молия тизими;
- O — транспорт;
- P — ахборот-коммуникация технологиялари;
- Q — экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

R — стратегик аҳамиятга эга бўлган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш;

S — ишлаб чиқариш;

T — иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари.

38. Идентификация рақамининг учинчи қисми 00001 дан 99999 гача бўлган рақамлардан иборат бўлиб, МАИ объектининг Реестрдаги тартиб рақамини англатади.

39. МАИ объекти маълумотларига ўзгартириш киритилганда, унинг идентификация рақами ўзгармайди.

МАИ объекти Реестрдан чиқариб юборилганда, унинг идентификация рақамидан қайта фойдаланилмайди.

### **8-боб. Яқуний қоида**

40. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**397** Суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3571*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги ПҚ–108-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 июлдаги 458-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловаса мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирилади.

**Директор**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 12 сентябрь,  
9-сон

*Келишилди:*

**Тоғ-кон саноати ва  
геология вазири**

**Б. ИСЛАМОВ**

*2024 йил 16 август*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

*Камбағалликни қисқартириш  
ва бандлик вазири*

**Б. МУСАЕВ**

*2024 йил 16 август*

*Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазири в.б.*

**Ш. ХИДОЯТОВ**

*2024 йил 12 сентябрь*

*Транспорт вазири*

**И. МАХКАМОВ**

*2024 йил 20 август*

*Солиқ қўмитаси раиси*

**Ш. КУДБИЕВ**

*2024 йил 23 август*

*Рақамли технологиялар вазири*

**Ш. ШЕРМАТОВ**

*2024 йил 29 август*

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

**Д. КАСИМОВ**

*2024 йил 16 август*

*Савдо-саноат палатаси раиси*

**Д. ВАХАБОВ**

*2024 йил 13 август*



Ўзбекистон Республикаси  
истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ди-  
ректорининг 2024 йил 12 сентябрдаги  
9-сон буйруғига  
ИЛОВА

## Суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тарти-  
бини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот алмашинуви иштирокчилари** — суғурта бозорининг про-  
фессинал иштирокчилари, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик  
жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш  
жамғармаси ва Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция-  
лашган вазирлик ва идоралар;

**ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли  
лойиҳалар миллий агентлиги;

**суғурта даъвоси** — суғурта шартномасида кўрсатилган муайян воқеа  
(суғурта ходисаси) юз берганда, суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш  
учун берилган ариза;

**Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими** (бундан буён матнда  
Ягона тизим деб юритилади) — манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг  
ахборот тизимлари ва марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик  
шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашган суғурта  
бозори маълумотларини ҳисобга олиш ва истеъмолчиларга электрон суғурта  
хизматларини кўрсатиш имкониятини таъминловчи ягона тизим.

2. Суғурта шартномалари Ягона тизим, Ўзбекистон Республикаси Ягона  
интерактив давлат хизматлари портали (бундан буён матнда Ягона интерак-  
тив давлат хизматлари портали деб юритилади), суғурталовчи ёки суғурта  
агентининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали электрон шакл-  
да тузилиши мумкин.

3. Суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта шартномалари Ягона ти-  
зим орқали рўйхатдан ўтказилади ва суғурта полислари ушбу тизим орқали  
мазкур Низомнинг иловасига\* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади. Қонун-  
чиликда суғурта полисининг шакли тасдиқланган бўлса, суғурта полиси қо-  
нунчиликда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

4. Суғурта шартномаларини электрон тарзда тузиш ҳамда рўйхатдан  
ўтказишни таъминлаш мақсадида ахборот алмашинуви иштирокчилари-  
нинг дастурий таъминотлари (ахборот тизимлари) Ягона тизим билан ин-

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

теграция қилинади ҳамда суғурта шартномаси тўғрисидаги маълумотлар узатилади.

5. Суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатувчи суғурта агенти ўзининг дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) суғурта қилдирувчилар учун суғурталовчини эркин танлаш имкониятини яратиши ҳамда суғурталовчиларнинг ваколатли давлат органи томонидан эълон қилинган рейтинг кўрсаткичларини акс эттириши шарт.

## **2-боб. Суғурта (қайта суғурта) шартномаларини тузиш ва Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказиш**

6. Иш берувчининг ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини электрон шаклда мажбурий суғурта қилишда:

а) суғурта шартномаси Ягона тизим орқали тузилганда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг «[my.soliq.uz](http://my.soliq.uz)» электрон тизимида солиқ ҳисоботларини тақдим этишда фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича амалдаги суғурта полисига эга бўлмаган иш берувчилар ва ташувчилар ахборот алмашинуви орқали автоматик равишда аниқлаб борилади;

фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича амалдаги суғурта полисига эга бўлмаган иш берувчилар ёки ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг «[my.soliq.uz](http://my.soliq.uz)» электрон тизимидаги шахсий кабинетига мажбурий суғурта шартномаларини тузиш зарурлиги тўғрисидаги ахборот автоматик равишда Ягона тизимга электрон ҳавола қилинган ҳолда юборилади;

ушбу электрон ҳавола орқали Ягона тизимга кирилганда, иш берувчилар ёки ташувчилар томонидан Ягона тизимдаги суғурталовчилардан бири танланган ҳолда суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклидаги электрон ариза суғурталовчининг дастурий таъминотига (ахборот тизимларига) юборилади. Бунда, суғурталовчининг дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) автоматик равишда электрон ариза асосида суғурта шартномаси тузилади;

б) иш берувчилар ёки ташувчилар томонидан суғурталовчининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклидаги электрон ариза киритилганда, суғурта шартномаси суғурталовчининг дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) электрон ариза асосида автоматик тарзда тузилади;

в) иш берувчилар ёки ташувчилар томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки суғурта агентининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклидаги электрон ариза киритилганда, суғурталовчининг дастурий таъминотида электрон ариза асосида суғурта шартномаси автоматик тарзда тузилади.

7. Давлат бюджети маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар

ҳисобига маблағ билан таъминланаётган қурилиш объектлари бўйича таваккалчиликларни электрон шаклда суғурта қилишда:

а) суғурта шартномаси Ягона тизим орқали тузилганда:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида мазкур турдаги амалдаги суғурта полисига (тўлиқ қурилиш даври учун) эга бўлмаган юридик шахслар ахборот алмашинуви орқали автоматик равишда аниқлаб борилади;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими орқали мазкур турдаги амалдаги суғурта полисига эга бўлмаган юридик шахслар мажбурий суғурта шартномаларини тузиши зарурлиги тўғрисидаги ахборот Ягона тизимга электрон ҳавола қилинган ҳолда юборилади;

ушбу электрон ҳавола орқали Ягона тизимга кирилганда, суғурта қилдирувчи томонидан Ягона тизимдаги суғурталовчилардан бири танланган ҳолда суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклидаги электрон ариза суғурталовчининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) юборилади. Бунда, суғурталовчининг дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) электрон ариза асосида суғурта шартномаси автоматик тарзда тузилади;

б) суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклида электрон ариза киритилганда, суғурта шартномаси суғурталовчининг дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) электрон ариза асосида автоматик тарзда тузилади;

в) суғурта қилдирувчи томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки суғурта агентининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклида электрон ариза киритилганда, суғурталовчининг дастурий таъминотида электрон ариза асосида суғурта шартномаси автоматик тарзда тузилади.

8. Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берганда, бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга етказилган зарар учун фуқаролик жавобгарлигини электрон шаклда суғурта қилишда:

а) суғурта шартномаси Ягона тизим орқали тузилганда:

Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) мазкур турдаги амалдаги суғурта полисига эга бўлмаган юридик шахслар ахборот алмашинуви орқали автоматик равишда аниқлаб борилади;

Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали мазкур турдаги амалдаги суғурта полисига эга бўлмаган юридик шахслар мажбурий суғурта шартномаларини тузиш зарурлиги тўғрисидаги ахборот Ягона тизимга электрон ҳавола қилинган ҳолда юборилади;

ушбу электрон ҳавола орқали Ягона тизимга кирилганда, суғурта қилдирувчи томонидан Ягона тизимдаги суғурталовчилардан бири танланган ҳолда суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклидаги электрон ариза суғурталовчининг дастурий таъминоти (ахборот тизим-

ларига) юборилади. Бунда, суғурталовчининг дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) электрон ариза асосида суғурта шартномаси автоматик тарзда тузилади;

б) суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклида электрон ариза киритилганда, суғурта шартномаси суғурталовчининг дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) электрон ариза асосида автоматик тарзда тузилади;

в) суғурта қилдирувчи томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки суғурта агентининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклида электрон ариза киритилганда, суғурталовчининг дастурий таъминотида электрон ариза асосида суғурта шартномаси автоматик тарзда тузилади.

9. Бошқа суғурта шартномаларини электрон шаклда тузишда:

суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклида электрон ариза киритилганда, суғурта шартномаси суғурталовчининг дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) электрон ариза асосида автоматик тарзда тузилади;

суғурта қилдирувчи томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки суғурта агентининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали суғурта шартномасини тузиш бўйича оммавий оферта шаклида электрон ариза киритилганда, суғурталовчининг дастурий таъминотида электрон ариза асосида суғурта шартномаси автоматик тарзда тузилади.

10. Ягона интерактив давлат хизматлари портали, суғурталовчи ёки суғурта агентининг дастурий таъминоти (ахборот тизимлари) орқали суғурта шартномалари электрон шаклда тузилганидан сўнг электрон аризада кўрсатилган маълумотлар Ягона тизимга автоматик тарзда юборилади ҳамда суғурта шартномалари Ягона тизимда рўйхатдан ўтказилади.

11. Битта суғурта шартномаси бўйича айни бир объектни бир нечта суғурталовчи томонидан биргаликда суғурта қилиш шартномаларини Ягона тизим орқали рўйхатдан ўтказиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

суғурта шартномаси суғурталовчининг дастурий таъминотида (ахборот тизимларида) тузилганда, суғурталовчи (вакил) ёки унинг суғурта агенти томонидан суғурталовчилар тасдиқлаган электрон аризага асосан суғурта шартномаси Ягона тизимда автоматик тарзда рўйхатдан ўтказилади;

суғурта шартномаси суғурта агентининг дастурий таъминотида (ахборот тизимлари) тузилганда, суғурталовчилар тасдиқлаган электрон аризага асосан суғурталовчининг дастурий таъминоти орқали суғурта шартномаси Ягона тизимда автоматик тарзда рўйхатдан ўтказилади.

12. Қайта суғурта шартномаларини Ягона тизим орқали рўйхатдан ўтказиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) қайта суғурта қилдирувчи билан қайта суғурталовчи ўртасида тўғридан-тўғри қайта суғурта шартномаси тузилганда, қайта суғурта қилдирувчи томонидан электрон ариза қайта суғурталовчига юборилади ҳамда электрон

ариза қайта суғурталовчи томонидан тасдиқланганидан сўнг қайта суғурта шартномаси (жумладан, қайта суғурта қилиш слипи ва бошқалар) Ягона тизим орқали автоматик тарзда рўйхатдан ўтказилади;

б) қайта суғурта брокери иштирокида қайта суғурта шартномаси тузилганда:

қайта суғурта қилдирувчи томонидан электрон ариза қайта суғурта брокерига тасдиқлаш учун юборилади ҳамда электрон ариза қайта суғурта брокери томонидан тасдиқланганидан сўнг қайта суғурта шартномаси (жумладан, қайта суғурта қилиш слипи ва бошқалар) Ягона тизим орқали автоматик тарзда рўйхатдан ўтказилади;

қайта суғурта брокери томонидан электрон ариза қайта суғурталовчига юборилади ҳамда қайта суғурталовчи томонидан электрон ариза тасдиқланганидан сўнг қайта суғурта шартномаси (жумладан, ковернота ва бошқалар) Ягона тизим орқали автоматик тарзда рўйхатдан ўтказилади;

в) қайта суғурта шартномаси норезидент суғурталовчилар билан тузилганда, резидент қайта суғурта қилдирувчи ёки резидент қайта суғурталовчилар томонидан электрон аризани Ягона тизимга юбориш орқали қайта суғурта шартномаси Ягона тизимда рўйхатдан ўтказилади.

13. Қайта суғурта қилдирувчи (қайта суғурта брокери) суғурта мажбуриятларини қайта суғурталаш учун хорижий суғурта ташкилотларига беришдан аввал бериладиган суғурта мажбуриятларининг камида 50 фоизи миқдорида қайта суғурталаш бўйича офертани (қайта суғурталаш шартномаларини тузиш таклифларини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта суғурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суғурта ташкилотларига Ягона тизим орқали юборади.

Бунда:

қайта суғурта қилдирувчи ёки қайта суғурта брокери қайта суғурталаш бўйича офертани Ягона тизимга киритади;

офертани акцептлаш ёки уни рад этиш қайта суғурталовчилар томонидан Ягона тизимда амалга оширилади.

14. Суғурта (қайта суғурта) шартномасига ўзгартириш киритиш ёки уни бекор қилиш ушбу бобда белгиланган тартибда Ягона тизимда рўйхатдан ўтказилади.

### **3-боб. Суғурта полисини расмийлаштириш**

15. Суғурта шартномаси Ягона тизимда рўйхатдан ўтказилганидан ва суғурта мукофоти тўланганлиги суғурталовчи томонидан электрон тарзда тасдиқланганидан сўнг суғурта полиси Ягона тизим орқали автоматик тарзда расмийлаштирилади.

Бунда, биргаликда суғурта қилиш шартномаларида суғурта мукофоти тўланганлиги суғурталовчи (биргаликдаги суғурталовчилар номидан вакил) томонидан электрон тарзда тасдиқланади.

Ягона тизим томонидан суғурта полиси расмийлаштирилганлиги тўғрисида суғурта қилдирувчига суғурта полисига электрон хавола қилинган ҳол-

да хабарнома юборилади ҳамда суғурта қилдирувчи хабарномадаги ҳавола орқали суғурта полисини электрон шаклини юклаб олади.

16. Суғурта полисининг ҳақиқийлиги суғурта полисининг махсус коди (QR-код) орқали текширилиши мумкин.

#### **4-боб. Ягона тизим орқали суғурта даъволарини мониторинг қилиш**

17. Суғурталовчилар ҳамда Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасига келиб тушган суғурта даъволарининг ҳисоби Ягона тизимда юритилади.

18. Суғурталовчи қабул қилинган суғурта даъволарини кейинги иш кунидан кечиктирмай Ягона тизим орқали рўйхатдан ўтказилади.

Бунда, ваколатли давлат органининг ахборот тизимлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинадиган суғурта даъволари автоматик тарзда Ягона тизим орқали рўйхатдан ўтказилади.

19. Суғурталовчи суғурта даъволарини кўриб чиқиш натижаси юзасидан аризачини хабардор қилади ва кейинги иш кунидан кечиктирмай Ягона тизимда ижро ҳолатини белгилаб ижро ҳужжати нусхасини юклайди.

20. Ваколатли давлат органи Ягона тизимда суғурталовчи томонидан кўриб чиқилган (чиқиляётган) суғурта даъволари ижросининг таҳлилини олиб боради.

#### **5-боб. Ягона тизимдан фойдаланиш талаблари ва шартлари ҳамда тизимдан фойдаланишни тўхтатиш**

21. Ягона тизимдан фойдаланиш талаблари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

Ягона тизимда рўйхатдан ўтиш, бундан вазирлик ва идоралар мустасно; ахборот тизимларини Ягона тизимга тўлиқ интеграциясини амалга ошириш;

ахборот тизимларидан узлуксиз ва тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, бундан форс-мажор ҳолатлар мустасно;

суғурта шартномаларини электрон тарзда тузиш ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда суғурта полисларини расмийлаштиришда суғурта фаолияти соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига ва техник топшириқларга риоя этилишини таъминлаш;

Ягона тизимга ҳаққоний маълумотларни киритиш;

шахсий маълумотларни қайта ишлашда ахборот алмашинуви иштирокчилари шахсий маълумотлар ва суғурта сири деб таснифланган маълумотларни уларга ноқонуний ёки тасодифий кириш, йўқ қилиш, ўзгартириш, блокировка қилиш, нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатишдан, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўриш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига

ишлов беришда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ишлов беришда уларнинг жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда йиғилишини, тизимлаштирилишини ва сақланишини таъминлаш.

22. Қуйидаги ҳолларда Ягона тизимдан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тўхтатилади:

Ягона тизимдан фойдаланиш талаблари ва шартларига риоя қилинмаганда;

суғурта ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

Ягона тизим доирасида маълумот алмашиш тўғрисидаги ёзма битим бекор қилинганда;

электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида хизмат кўрсатиш имкониятидан фойдаланиш чекланганлиги аниқланганда;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда.

23. Ягона тизимдан фойдаланишни тўхтатиш ваколатли давлат органининг қарорига асосан амалга оширилади. Бунда, ваколатли давлат органининг қарори қабул қилинишдан олдин Ягона тизим фойдаланувчиларига камчиликларни бартараф этиш мақсадида мажбурий кўрсатма берилиши мумкин.

24. Ваколатли давлат органи томонидан Ягона тизимдан тўлиқ ёки қисман фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида бу ҳақида тўхтатиш сабабларини кўрсатган ҳолда тизим фойдаланувчиларига хабар беради.

25. Ягона тизим фойдаланувчиларининг Ягона тизимдан фойдаланишни тиклаш тўғрисидаги мурожаати икки иш куни ичида кўриб чиқилади ва Ягона тизимдан фойдаланишини тиклаш ёки тиклашни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бунда, Ягона тизим фойдаланувчиларига бу ҳақида бир иш куни ичида хабар берилади.

### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

26. Ваколатли давлат органининг қарори юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мумкин.

27. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**398** Tijorat banklarida kassa ishini tashkil etish, naqd pul va boshqa qimmatliklarni inkassatsiya qilishga doir yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3028-9*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi hamda “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2018-yil 28-apreldagi 16/21-son qarori (ro‘yxat raqami 3028, 2018-yil 29-iyun) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 02.07.2018-y., 10/18/3028/1418-son) bilan tasdiqlangan Tijorat banklarida kassa ishini tashkil etish, naqd pul va boshqa qimmatliklarni inkassatsiya qilishga doir yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Rais**

**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 8-oktabr,  
31/11-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 14-noyabrda e‘lon qilingan.



O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil  
8-oktabrdagi 31/11-son qaroriga  
ILOVA

**Tijorat banklarida kassa ishini tashkil etish, naqd pul va boshqa qimmatliklarni inkassatsiya qilishga doir yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. 12-banddan “bank mijozi bo'lgan xo'jalik yurituvchi subyektlarga kassa xizmatlarini ko'rsatadi hamda” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

2. 132-bandning birinchi xatboshidagi “(1000 so'mliklar alohida, 2000 va 5000 so'mliklar alohida, 10000 va 20000 so'mliklar alohida, 50000 va 100000 so'mliklar alohida)” degan so'zlar “(1000 so'mliklar alohida, 2000 va 5000 so'mliklar alohida, 10000, 20000 va 50000 so'mliklar alohida, 100000 va 200000 so'mliklar alohida)” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 190-band quyidagi mazmundagi yettinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Aholidan to'lovlarni qabul qilishda to'lov hujjatlari elektron ko'rinishda shakllantiriladigan hollarda, kunlik kassa hujjatlariga elektron to'lov hujjatlarining kunlik reyestrini tikishga ruxsat beriladi.

Bunda, kunlik reyestr har bir to'lov hujjatining turi (naqd pullarni topshirish e'loni, bir martalik to'lovlarni qabul qilish blanki, soliq va kommunal to'lovlari uchun maxsus blanklar) bo'yicha alohida shakllantirilib, unda to'lovchining ismi, sharifi, to'lovni oluvchi tashkilot nomi, uning bank rekvizitlari, to'lov summasi va maqsadi aks ettiriladi.”

4. 197-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Bankda kassa hujjatlarini elektron shaklda rasmiylashtirilishi va aylanishi hamda kassa kitoblarini elektron shaklda yuritilishi yo'lga qo'yilgan bo'lsa, kunlik kassa hujjatlarini elektron fayl ko'rinishidagi har kunlik arxivi shakllantiriladi va saqlanadi.”

5. 219-bandda:

uchinchi xatboshidagi “chet el valyutasidagi to'lov hujjatlari qoldig'ini qayd etish kitobi va 32a-ilovasida keltirilgan 121A-shakldagi eskirgan naqd chet el valyutalari qoldig'ini qayd etish kitobida qayd etilgan yozuvlarga mos kelishini” degan so'zlar “chet el valyutasidagi to'lov hujjatlari qoldig'ini qayd etish kitobidagi yozuvlarga mos kelishini” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“pul omboridagi “eskirgan” toifadagi naqd milliy valyutalar qoldig'ini 10198-“Eskirgan toifadagi naqd pullar” hisobvarag'idagi qoldiqqa hamda mazkur Yo'riqnomaning 36-ilovasida keltirilgan 141A-shakldagi “Eskirgan” toifadagi banknot va tangalar hisobini yuritish kitobida qayd etilgan yozuvlarga mos kelishini;”;

quyidagi mazmundagi beshinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“pul omboridagi xorijiy davlatlarning “eskirgan” naqd chet el valyutalari qoldiqlarini 10198-“Eskirgan toifadagi naqd pullar” hisobvarag'idagi har bir mos xorijiy valyuta qoldig'iga hamda mazkur Yo'riqnomaning 32a-ilovasida keltirilgan

121A-shakldagi “Eskirgan” naqd chet el valyutalari qoldig‘ini qayd etish kitobida qayd etilgan yozuvlarga mos kelishini;”;

beshinchi xatboshi oltinchi xatboshi deb hisoblansin.

6. 327-bandning to‘rtinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Bankning moddiy javobgar shaxslari tomonidan naqd pul va boshqa qimmatliklarni jo‘natish yoki qabul qilib olish bilan bog‘liq tayyorgarlik choralarini o‘z vaqtida ko‘rishlari uchun ularga naqd pul va boshqa qimmatliklarni tashishga doir farmoyishlar inkassatorlar orqali yetib borguniga qadar:

qog‘ozda rasmiylashtirilgan farmoyishning skaner qilingan nusxasi (PDF yoki TIF);

elektron rasmiylashtirilgan (vakolatli shaxsning elektron (yoki QR-kodli) imzosi bilan imzolangan) farmoyishlar maxsus dasturiy ta‘minot orqali yuboriladi.”.

7. 36-ilovada:

“Markaziy bankka topshiriladigan banknot va tangalar hisobini yuritish kitobi” degan so‘zlar ““Eskirgan” toifadagi banknot va tangalar hisobini yuritish kitobi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Markaziy bankka topshiriladigan naqd pullar zaxirasi hisobvarag‘i” degan so‘zlar ““Eskirgan” toifadagi naqd pullar hisobvarag‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Markaziy bankka topshiriladigan naqd pullar zaxirasidagi naqd pullar” degan so‘zlar ““Eskirgan” toifadagi naqd pullar” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

“Kun oxiriga Markaziy bankka topshiriladigan banknotlar qoldiqlari” degan so‘zlar “Kun oxiriga “eskirgan” toifadagi naqd pullar qoldiqlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SOLIQ QO‘MITASINING  
QARORI

**399** Byudjet tizimi byudjetlari daromadlarining kassa ijrosi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2771-5*

O‘zbekiston Respublikasining “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi va 2022-yil 11-martdagi O‘RQ–758-son “Soliq ma‘muriyatchiligi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonunlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma‘muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni va 2024-yil 23-yanvardagi PQ–39-son “Tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 12-apreldagi 177-son “O‘zbekiston Respublikasida jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqamini aniqlash va berish tartibini takomillashtirish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Vazirlar Mahkamasini huzuridagi Soliq qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Davlat bojxona qo‘mitasining 2016-yil 24-martdagi 20, 2016-14, 01-02/8-10-son qarori (ro‘yxat raqami 2771, 2016-yil 30-mart) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 13-son, 124-modda) bilan tasdiqlangan Byudjet tizimi byudjetlari daromadlarining kassa ijrosi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 8-oktabr,  
180-son

**Soliq qo‘mitasi raisi**

**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 25-sentabr,  
2024-19-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 15-noyabrda e‘lon qilingan.

*Kelishildi:*

*Markaziy bank raisi*

*M. NURMURATOV*

*2024-yil 13-sentabr*

O'zbekiston Respublikasi  
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil  
8-oktabrdagi 180-son hamda Vazirlar  
Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasining  
2024-yil 25-sentabrdagi 2024-19-son qaroriga  
ILOVA

**Byudjet tizimi byudjetlari daromadlarining kassa ijrosi  
to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirish va  
qo'shimchalar**

1. 1-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“bojxona boji, soliqlar va yig'implarni undirish bo'yicha vakolatli organlar — qonunchilik hujjatlariga muvofiq bojxona boji, soliqlar, yig'implar, ma'muriy jarimalar va moliyaviy sanksiyalarni (bundan buyon matnda to'lovlar deb yuritiladi) undirilishini amalga oshiruvchi organlar;”;

oltinchi xatboshidagi “Moliya vazirligi” degan so'zlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

yettinchi xatboshidagi “Moliya vazirligining” va “O'RMV” degan so'zlar tegishli ravishda “Iqtisodiyot va moliya vazirligining” hamda “O'RIMV” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. 2, 9, 16-bandlar, 3-bobning nomi, 3-bobning 1-paragrafi nomi, 20 va 21-bandlar, 23-bandning birinchi xatboshisi, 31<sup>2</sup>-bandning beshinchi xatboshisi, 37<sup>1</sup>-bandning birinchi xatboshisi, 42 va 43-bandlar, 48-bandning birinchi xatboshisi, 54-bandning birinchi xatboshisi, 55 va 60-bandlardagi “O'RMV” degan so'zlar “O'RIMV” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

3. 4-banddagi “Moliya vazirligi” va “O'RMV” degan so'zlar tegishli ravishda “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” hamda “O'RIMV” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

4. 6-banddagi “O'RMV” va “moliya organlari” degan so'zlar tegishli ravishda “O'RIMV” hamda “iqtisodiyot va moliya organlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

5. 8-banddagi “moliya organlaridan” degan so'zlar “iqtisodiyot va moliya organlaridan” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

6. 11 va 12-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. To'lovlardan O'zbekiston Respublikasi respublika byudjetiga, Qoraqalpog'iston Respublikasi respublika byudjetiga, viloyatlar va Toshkent shahri mahalliy byudjetlariga, shuningdek, davlat maqsadli jamg'armalari (bundan

buyon matnda DMJ deb yuritiladi) byudjetlariga ajratmalar me'yorlarining miqdorlari ular o'rnatilganidan so'ng 3 ish kuni mobaynida Iqtisodiyot va moliya vazirligi tomonidan Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashiga, viloyatlar va Toshkent shahri hokimliklariga, Qoraqalpog'iston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligiga, viloyatlar va Toshkent shahri hokimliklarining iqtisodiyot va moliya boshqarmalariga, Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G'aznachilik xizmati qo'mitasiga, Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri g'aznachilik xizmati boshqarmalariga yetkaziladi.

12. To'lovlardan Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrining tumanlar va shaharlar mahalliy byudjetlariga o'rnatilgan ajratmalar me'yorlarining miqdorlari Qoraqalpog'iston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, viloyatlar va Toshkent shahri iqtisodiyot va moliya boshqarmalari tomonidan tegishli tuman va shahar hokimliklariga, tuman va shahar hokimliklari iqtisodiyot va moliya bo'limlariga, tuman va shaharlar bo'yicha g'aznachilik xizmati bo'limlariga yetkaziladi."

7. 13-banddagi "O'RMV" ATga Moliya vazirligi G'aznachiligining" degan so'zlar "O'RIMV" ATga Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G'aznachilik xizmati qo'mitasining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

8. 14-banddagi "O'RMV" va "G'aznachilik boshqarmalarining" degan so'zlar tegishli ravishda "O'RIMV" hamda "g'aznachilik xizmati boshqarmalarining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

9. 22-banddagi "g'aznachilik bo'linmalariga" degan so'zlar "g'aznachilik xizmati bo'limlariga" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

10. 26-banddagi "g'aznachilik bo'linmalari" degan so'zlar "g'aznachilik xizmati bo'limlari" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

11. 29-banddagi "Moliya vazirligi" va "O'RMV" degan so'zlar tegishli ravishda "Iqtisodiyot va moliya vazirligi" hamda "O'RIMV" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

12. 30-bandda:

uchinchi xatboshidagi "bank plastik kartochkasi" degan so'zlar "bank kartasi" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

to'rtinchi xatboshidagi "(ro'yxat raqami 2465, 2013-yil 3-iyun)" degan so'zlar "(ro'yxat raqami 3229, 2020-yil 13-aprel)" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

13. 32-banddagi "bank plastik kartasi" degan so'zlar "bank kartasi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

14. 33-bandning to'rtinchi xatboshisidagi "O'zbekiston Respublikasi G'aznachiligining" degan so'zlar "Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G'aznachilik xizmati qo'mitasining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

15. 33<sup>1</sup>-banddagi "boshqa majburiy to'lovlar" degan so'zlar "yig'imlar" degan so'z bilan almashtirilsin.

16. 33<sup>2</sup>-bandda:

birinchi xatboshidagi "O'RMV" va "g'aznachilik bo'linmalariga" degan so'zlar tegishli ravishda "O'RIMV" hamda "g'aznachilik xizmati bo'limlariga" degan so'zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Ortiqcha to‘langan (ortiqcha undirilgan) yoki xatolik bilan to‘langan soliq (penya, jarima) summalarini hisobga olish summasi bazaviy hisoblash miqdorining 20 barobaridan oshmagan hollarda, elektron topshiriqnomalar davlat soliq xizmati organlarining axborot tizimi orqali avtomatik shakllantirilishi va elektron raqamli imzo bilan tasdiqlanmasdan “O‘RIMV” ATga elektron tarzda yuborilishi mumkin hamda ushbu topshiriqnomalar “O‘RIMV” ATda inson omilisiz avtomatik ravishda ma‘qullanadi va ijroga qabul qilinadi.”;

quyidagi tahrirdagi yettinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Tadbirkorlik subyektining barqarorlik reytingi toifasi;”;

yettinchi — o‘n to‘rtinchi xatboshilar tegishli ravishda sakkizinchi — o‘n beshinchi xatboshilari deb hisoblansin;

o‘n beshinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmasiga” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘limiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

17. 33<sup>3</sup>-bandda:

birinchi xatboshidagi “O‘RMV” va “g‘aznachilik bo‘linmasi” degan so‘zlar tegishli ravishda “O‘RIMV” hamda “g‘aznachilik xizmati bo‘limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmalari” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘limlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

18. 33<sup>4</sup>-bandda:

birinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmalari” va “O‘RMV” degan so‘zlar tegishli ravishda “g‘aznachilik xizmati bo‘limlari” hamda “O‘RIMV” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmalarida” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘limlarida” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

19. 34-bandning birinchi va ikkinchi xatboshilaridagi “g‘aznachilik bo‘linmasiga” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘limiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

20. 34<sup>1</sup>-banddagi “orticha” degan so‘z “ortiqcha” degan so‘z bilan almashtirilsin.

21. 34<sup>2</sup>-banddagi “g‘aznachilik bo‘linmalariga” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘limlariga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

22. 34<sup>3</sup>-bandda:

birinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmalari” va “O‘RMV” degan so‘zlar tegishli ravishda “g‘aznachilik xizmati bo‘limlari” hamda “O‘RIMV” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmalari” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘limlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

23. 37-bandda:

quyidagi tahrirdagi ikkinchi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Bunda, Tadbirkorlik subyektlarining barqarorlik reytingidagi “A” va undan yuqori toifadagi tadbirkorlik subyektlariga soliqlar bo‘yicha (qo‘shilgan qiymat solig‘i bundan mustasno) mavjud ortiqcha to‘lov summasini qaytarish uch kun muddatda amalga oshiriladi.”;

ikkinchi xatboshi uchinchi xatboshi deb hisoblansin.

24. 37<sup>2</sup> va 37<sup>3</sup>-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“37<sup>2</sup>. Tegishli byudjet mablag‘laridan mablag‘larni qaytarish yoki hisobga olish bo‘yicha to‘lov hujjati “O‘RIMV” ATda inson omilisiz avtomatik tarzda ma‘qullanadi va tasdiqlanadi.

37<sup>3</sup>. To‘lov hujjati tasdiqlanganidan so‘ng “O‘RIMV” ATda avtomatik tarzda mablag‘lar tegishli byudjetdan mavjud qoldiqlar doirasida qaytariladi.”.

25. 37<sup>4</sup>-bandda:

birinchi xatboshidagi “g‘aznachilik bo‘linmalaridan” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘limlaridan” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Moliya vazirligi” va “O‘RMV” degan so‘zlar tegishli ravishda “Iqtisodiyot va moliya vazirligi” hamda “O‘RIMV” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

26. 58-banddagi “moliya organlari, g‘aznachilik bo‘linmalari” degan so‘zlar “iqtisodiyot va moliya organlari, g‘aznachilik xizmati bo‘limlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

27. 59-banddagi “g‘aznachilik bo‘linmalari va hududiy moliya organlari” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘limlari va hududiy iqtisodiyot va moliya organlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

28. 63-banddagi “g‘aznachilik bo‘linmalari” degan so‘zlar “g‘aznachilik xizmati bo‘limlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

29. 64 va 65-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“64. Iqtisodiyot va moliya organlari tomonidan yo‘l qo‘yilgan xatolar iqtisodiyot va moliya organlari tomonidan g‘aznachilik xizmati bo‘limlari hamda bojxona boji, soliqlar va yig‘imlarni undirish bo‘yicha vakolatli organlar bilan kelishilgan holda to‘g‘rilanadi.

65. G‘aznachilik xizmati bo‘limlari tomonidan yo‘l qo‘yilgan xatolar g‘aznachilik xizmati bo‘limlari tomonidan iqtisodiyot va moliya organlari hamda bojxona boji, soliqlar va yig‘imlarni undirish bo‘yicha vakolatli organlar bilan kelishilgan holda to‘g‘rilanadi.”.

30. 65<sup>1</sup>-banddagi “O‘RMV” va “Moliya vazirligi G‘aznachiligi” degan so‘zlar tegishli ravishda “O‘RIMV” hamda “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

31. 1-ilovaning 2-pozitsiyasi “Tarkibi” ustunidagi “soliq bo‘lmagan boshqa majburiy to‘lovlar” degan so‘zlar “yig‘imlar” degan so‘z bilan almashtirilsin.

32. 2 va 3-ilovalarning matnidagi “STIRi” va “Moliya vazirligi G‘aznachiligi” degan so‘zlar tegishli ravishda “STIRi (JSHSHIRi)” hamda “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

33. 2<sup>1</sup>-ilovaning matnidagi “Moliya vazirligi G‘aznachiligi” degan so‘zlar “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi G‘aznachilik xizmati qo‘mitasi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

34. 4-ilovaning matnidagi “STIR” va “G‘aznachilik bo‘linmasining” degan so‘zlar tegishli ravishda “STIR (JSHSHIR)” hamda “G‘aznachilik xizmati bo‘linmasining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

35. 5 va 6-ilovalarning matnidagi “Moliya vazirligi G‘aznachiligi” va “STIR”

degan soʻzlar tegishli ravishda “Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Gʻaznachilik xizmati qoʻmitasi” hamda “STIR (JSHSHIR)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

36. 7-ilovaning matnidagi “STIR” va “(Pasport seriyasi va raqami)” degan soʻzlar tegishli ravishda “STIR (JSHSHIR)” hamda “Pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi seriyasi va raqami” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

37. 8-ilovaning matnidagi “STIR” va “(Pasport seriyasi va raqami)” degan soʻzlar tegishli ravishda “STIR (JSHSHIR)” hamda “Pasport yoki identifikatsiya ID-kartasi seriyasi va raqami” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

38. 9, 10 va 12-ilovalar mazkur oʻzgartirish va qoʻshimchalarning 1 — 3-ilovalariga\* muvofiq tahrirda bayon etilsin.

---

\* Ilovalar «Qonunchilik maʼlumotlari milliy bazasi»da eʼlon qilingan.



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGINING  
QARORI

**400** O‘rta maxsus va professional ta‘lim muassasalarida pedagog  
xodimlar ish faoliyatining vaqt me‘yorlarini tasdiqlash  
to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
12-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3572*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 3-iyuldagi PQ–200-son “Ma‘muriy islohotlar doirasida oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar sohasida davlat boshqaruvini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga asosan O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘rta maxsus va professional ta‘lim muassasalarida pedagog xodimlar ish faoliyatining vaqt me‘yorlari ilovaga\*\* muvofiq tasdiqlansin.

2. Quyidagilar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin:

O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligining O‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi markazi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 2015-yil 2-sentabrdagi 38/QQ, 35-Q/Q-son “O‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi muassasalarining o‘qituvchilari uchun namunaviy yillik ish rejasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2715, 2015-yil 23-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 38-son, 505-modda, 43-son, 555-modda);

O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta‘lim vazirligining O‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi markazi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 2015-yil 21-oktabrdagi 41/QQ, 47-Q-son “O‘rta maxsus, kasb-hunar ta‘limi muassasalarining o‘qituvchilari uchun namunaviy yillik ish rejasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorning 4-ilovasiga o‘zgartirish kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2715-1, 2015-yil 27-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 43-son, 555-modda).

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Oliy ta‘lim, fan va  
innovatsiyalar vaziri**

**K. SHARIPOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 14-oktabr,  
28-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 14-noyabrda e‘lon qilingan.

\*\* Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

**Камбаг'алликни qisqartirish  
va bandlik vaziri**

**B. ZAXIDOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 2-oktabr,  
18-q/q-son

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**401** “UZ” domenidagi domen nomlarini ro‘yxatdan o‘tkazish  
va ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga  
o‘zgartirish kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
14-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1830-3*

O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 7-sentabrdagi O‘RQ–957-son “Ma‘muriy islohotlar doirasida ta‘lim sohasida davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi bosh direktorining 2008-yil 26-maydagi 155-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1830, 2008-yil 23-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2008-y., 26-27-son, 255-modda) bilan tasdiqlangan “UZ” domenidagi domen nomlarini ro‘yxatdan o‘tkazish va ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 3-ilovasi 1.2-bandi ikkinchi xatboshisidagi “oliy o‘quv yurtlari” degan so‘zlar “oliy ta‘lim tashkilotlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**Sh. SHERMATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 5-noyabr,  
274-mh-son

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 14-noyabrda e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**402** Bir qarz oluvchi, o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi, shu jumladan bankka aloqador shaxslar uchun tavakkalchilikning eng ko‘p miqdori to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
14-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3283-1*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi va “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi qonunlariga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2020-yil 21-sentabrdagi 21/12-son qarori (ro‘yxat raqami 3283, 2020-yil 29-oktabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.10.2020-y., 10/20/3283/1470-son) bilan tasdiqlangan Bir qarz oluvchi, o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi, shu jumladan bankka aloqador shaxslar uchun tavakkalchilikning eng ko‘p miqdori to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran bir oydan keyin kuchga kiradi.

**Rais**

**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 14-oktabr,  
31/13-son

---

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 14-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil  
14-oktabrdagi 31/13-son qaroriga  
ILOVA

**Bir qarz oluvchi, o'zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi,  
shu jumladan bankka aloqador shaxslar uchun tavakkalchilikning  
eng ko'p miqdori to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar  
va qo'shimcha**

1. Muqaddima quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Mazkur Nizom bir qarz oluvchi, o'zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi, shu jumladan bankka aloqador shaxslar uchun tavakkalchilikka qo'yilgan talablarni, shuningdek bankka aloqador bo'lgan shaxslar bilan bitimlar tuzish va bitimlar hisobini yuritish tartibini belgilaydi.”.

2. Quyidagi mazmundagi 2<sup>1</sup>-band bilan to'ldirilsin:

“2<sup>1</sup>. Faktoring xizmati bo'yicha bankning bir qarz oluvchi yoki o'zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi hamda bankka aloqador shaxslarga doir kredit tavakkalchiligi:

bank tomonidan mijozga nisbatan regress talabini qo'yish huquqi mavjud bo'lmasa yoki mavjud bo'lib, ushbu huquqdan foydalanish zarurati yuzaga kelmagan bo'lsa, qarzdorga;

mazkur regress talabini qo'yish huquqi mavjud bo'lsa va ushbu huquqdan foydalanish zarurati vujudga kelgan bo'lsa, mijozga nisbatan hisoblanadi.”.

3. 4-banddan “, shuningdek faktoring xizmatlari” degan so'zlar chiqarib tashlansin.

4. 16-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“16. Banklar qarzdorlarni nazorat asosida va (yoki) iqtisodiy asosda aloqadorligini aniqlashda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari mezonlaridan foydalanishga haqli. Bunda, mazkur mezonlar qonunchilik hujjatlariga zid bo'lmasligi yoki ulardagi talablardan yengilroq talablar nazarda tutilmasligi lozim.”.

5. 23-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“23. Qarz oluvchi bitim tuzilgan davrda bankka aloqador hisoblanmasdan, keyinchalik bankka aloqador shaxsga aylansa, tavakkalchilik miqdorining mazkur Nizomning 20 va 21-bandlarida belgilangan talablardan oshishi prudensial normativga nomuvofiq deb tan olinmaydi, basharti bank bu haqda Markaziy bankka 10 kun ichida ma'lumot bergan holda Markaziy bank bilan kelishilgan muddatlarda prudensial normativga muvofiqlashtirish yuzasidan majburiyatni olgan bo'lsa.”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH VA ISTE‘MOLCHILAR  
HUQUQLARINI HIMOYA QILISH QO‘MITASINING  
QARORI

**403** Iste‘molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o‘rganish, ko‘rik) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
14-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2196-5*

O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 5-sentabrdagi O‘RQ–955-son “Nogironligi bo‘lgan shaxslarning huquqlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuniga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi Qonuniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi **qaror qiladi**:

1. O‘zbekiston Respublikasi Monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasining 2011-yil 10-fevraldagi 1-son qarori (ro‘yxat raqami 2196, 2011-yil 18-fevral) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 7-8-son, 73-modda) bilan tasdiqlangan Iste‘molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o‘rganish, ko‘rik) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Ushbu qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Rais**

**H. TURAXUJAYEV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 8-noyabr,  
04/26-05/01-son

*Kelishildi:*

**Savdo-sanoat  
palatasi raisi**

**D. VAXABOV**

*2024-yil 31-oktabr*

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 14-noyabrda e‘lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi  
Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar  
huquqlarini himoya qilish qo‘mitasining 2024-yil  
8-noyabrdagi 04/26-05/01-son qaroriga  
ILOVA

**Iste‘molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama  
to‘g‘risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi  
yuzasidan tahlil (o‘rganish, ko‘rik) o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi  
yo‘riqnomaga kiritilayotgan o‘zgartirishlar**

1. 1-bandning uchinchi va beshinchi xatboshilaridagi, 4-bandning ikkinchi va uchinchi xatboshilaridagi “davlat boshqaruvi organlari” degan so‘zlar “respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 6-bandning ikkinchi xatboshisidagi “davlat boshqaruvi organi” degan so‘zlar “respublika ijro etuvchi hokimiyat organi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ РАИСИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**404** Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан  
экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3573*

Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни-  
га мувофиқ **буюраман:**

- Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган.
- Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 15 октябрь,  
113-сон

*Келишилди:*

*Техник жиҳатдан тартибга  
солиш агентлиги директори*

**А. ЖУМАНАЗАРОВ**

*2024 йил 19 сентябрь*

*Рақамли технологиялар вазири*

**Ш. ШЕРМАТОВ**

*2024 йил 7 октябрь*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 ноябрда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Давлат хавфсизлик хизмати раисининг  
2024 йил 15 октябрдаги 113-сон буйруғига  
ИЛОВА

## Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари тоифасига киритилган ахборот тизимларини, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш бўйича техник топшириқ лойиҳаларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**киберхавфсизлик субъекти** — миллий ахборот ресурсларига эга бўлиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича электрон ахборот хизматлари кўрсатиш, ахборотни химоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик билан боғлиқ муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган юридик шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари;

**муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари** — давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатиш, мудофаа, давлат хавфсизлигини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ёқилғи-энергетика мажмуи (атом энергетикаси), кимё, нефть-кимё тармоқлари, металлургия, сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, банк-молия тизими, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, стратегик аҳамиятига эга бўлган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида, ишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ва ижтимоий соҳада қўлланиладиган ахборотлаштириш тизимлари;

**техник топшириқ** — ахборот тизимини ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва қабул қилиш давомида амалга оширилиши керак бўлган қарорларга қўйиладиган талаблар қайд қилинган ҳужжат.

2. Давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурслари, муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари тоифасига киритилган ахборот тизимлари киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилганидан бошқа ахборот тизимлари ва ресурсларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш киберхавфсизлик субъектларининг ташаббуси билан амалга оширилади.

3. Киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари тоифасига киритилган ахборот тизимларини, шунингдек техник топшириқлар лойиҳаларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонаси (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) томонидан амалга оширилади, бундан мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

4. Давлат сирларини ташкил этадиган маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизимлари ва ресурсларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизаси ахборотлаштириш объектларини аттестациялаш доирасида амалга оширилади.

5. Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертиза қуйидагилар:

техник топшириқлар лойиҳалари — киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик;

киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари тоифасига киритилган ахборот тизимлари — техник топшириқлар ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик бўйича ўтказилади.

6. Фойдаланилаётган ахборот тизимлари икки йилда камида бир марта киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади.

7. Киберхавфсизлик субъектларининг веб-сайтлар кўринишидаги ахборот ресурслари бир йилда камида бир марта киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади.

8. Тайёр ечим шаклида хорижда ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва ресурслари фақат киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади.

9. Янги ишлаб чиқиладиган ахборот тизими ёки ресурси фойдаланишга жорий этишдан аввал техник топшириқ ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан мазкур Низомнинг 3 ва 4-бобларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилади.

## **2-боб. Техник топшириқлар лойиҳаларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш**

10. Техник топшириқлар лойиҳаларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш мазкур Низомнинг 1-иловасида\* кўрсатилган схема асосида амалга оширилади.

11. Техник топшириқлар лойиҳаларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш учун ариза киберхавфсизлик субъектлари томонидан Марказга мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этилади.

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Аризага мазкур Низомнинг 3-иловасига\* мувофиқ шаклдаги техник топшириқ лойиҳаси бўйича маълумот, техник топшириқ лойиҳаси ва унга тегишли иловалар ҳамда техник топшириқ лойиҳасига тушунтириш хати илова қилинади.

12. Марказ ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб 10 иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатлар ва техник топшириқлар лойиҳаларини кўриб чиқади ҳамда уларни киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида аризаچига хабарнома юборadi.

13. Қўйидаги ҳолларда Марказ томонидан киберхавфсизлик субъектига техник топшириқ лойиҳаси киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисида хабарнома юборилади:

мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

техник топшириқ лойиҳасининг шакли, таркиби ва уни расмийлаштирилиши техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бўлмаганда;

ахборот тизимини ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган техник топшириқ лойиҳалари тақдим этилганда.

Киберхавфсизлик субъекти хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда экспертизадан ўтказиш учун такроран ариза бериши мумкин. Бунда, такроран берилган ариза Марказ томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда кўриб чиқилади, бундан мазкур банднинг тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

14. Мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, Марказ киберхавфсизлик субъектига экспертиза ўтказиш тўғрисида хабарнома юборadi.

15. Техник топшириқлар лойиҳаларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш Марказ томонидан экспертиза ўтказиш тўғрисидаги хабарнома юборилган кундан бошлаб 30 иш куни ичида амалга оширилади.

16. Техник топшириқлар лойиҳаларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказишда:

техник топшириқлар лойиҳаларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги;

техник топшириқлар лойиҳаларида замонавий ахборот технологиялари воситаларининг қўлланиши;

техник топшириқлар лойиҳаларида ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш назарда тутилганлиги текширилади.

17. Экспертизадан ўтказиш жараёнида техник топшириқлар лойиҳалари мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланса, Марказ киберхавфсизлик субъектини техник топшириқда

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аниқланган номувофиқликларни 30 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда бартараф этиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Бунда, ушбу муддат давомида техник топшириқлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш муддати тўхтатиб турилади.

18. Киберхавфсизлик субъекти техник топшириқлар лойиҳаларидаги номувофиқликларни белгиланган муддатда бартараф этгандан сўнг Марказга экспертизани давом эттириш учун техник топшириқ лойиҳасини тақдим этади.

19. Экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосаси расмийлаштирилади.

20. Техник топшириқлар лойиҳалари мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса ва киберхавфсизлик субъекти томонидан техник топшириқ лойиҳасидаги номувофиқликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, Марказ техник топшириқ лойиҳасини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан эксперт хулосаси беришни рад этади ҳамда бу ҳақда рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда 3 иш куни ичида киберхавфсизлик субъектини хабардор қилади.

Киберхавфсизлик субъекти техник топшириқ лойиҳасини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш учун такроран ариза тақдим этиши мумкин. Бунда, такроран берилган ариза бўйича техник топшириқлар лойиҳалари ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда экспертизадан ўтказилади.

21. Техник топшириқлар лойиҳалари мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, Марказ томонидан техник топшириқ лойиҳаларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан эксперт хулосаси расмийлаштирилади ва 3 иш куни ичида киберхавфсизлик субъектига тақдим этилади.

22. Эксперт хулосаси Марказ директори ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланади.

23. Эксперт хулосасида техник топшириқ номи, ахборот тизимининг вазифаси, техник топшириқ лойиҳасининг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

24. Ахборот тизими ёки ресурсини ишлаб чиқиш даврида ёки ундан сўнг мазкур ахборот тизими ёки ресурсига функционал ўзгартириш киритиш, шу жумладан янги версияда ишлаб чиқиш ёки унга қўшимча функциялар қўшиш режалаштирилса, киберхавфсизлик субъекти ушбу ўзгартиришларни ўзида жамлаган техник топшириқ лойиҳасини ишлаб чиқади ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш учун Марказга тақдим этади. Бунда, экспертиза ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.

### **3-боб. Ахборот тизимлари ва ресурсларини техник топшириқ талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш**

25. Ахборот тизими ва ресурсларини техник топшириқ талабларига му-

вофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш мазкур Низомнинг 4-иловасида\* кўрсатилган схема асосида амалга оширилади.

26. Техник топшириқ талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизани ўтказиш учун ариза киберхавфсизлик субъектлари томонидан Марказга мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

техник топшириқ ва унинг иловалари, шу жумладан, администратор ҳамда фойдаланувчилар қўлланмаси;

ахборот тизими ёки ресурсининг Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги манзили (ахборот тизими ёки ресурсида синов маълумотлари бўлиши лозим);

ахборот тизими ёки ресурси ва уларнинг модулларига масофадан кириш имконини берувчи маълумотлар (суперадминистратор ҳуқуқи);

ахборот тизими ёки ресурси ўрнатилган сервер қурилмаларига масофадан кириш имконини берувчи маълумотлар.

27. Марказ ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 иш куни ичида тақдим этилган ариза ва унга иловаларни кўриб чиқади ҳамда ахборот тизими ва ресурсини техник топшириқ талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида аризачига хабарнома юборади.

28. Қуйидаги ҳолларда Марказ томонидан киберхавфсизлик субъектига ахборот тизими ва/ёки ресурси техник топшириқ талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисида хабарнома юборилади:

мазкур Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

киберхавфсизлик субъекти томонидан тақдим этилган маълумотлар бўйича ахборот тизими ёки ресурсига масофадан кириш имкони бўлмаганда;

техник топшириқда белгиланган қуйи тизим ва модуллар ахборот тизими ёки ресурсида тўлиқ мавжуд бўлмаганда;

техник топшириқ киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказилмаганда ёки у экспертизадан ўтказилган техник топшириққа мувофиқ бўлмаганда.

Киберхавфсизлик субъекти хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда экспертизадан ўтказиш учун такроран ариза бериши мумкин. Бунда, такроран берилган ариза Марказ томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда кўриб чиқилади.

29. Мазкур Низомнинг 28-бандида кўрсатилган техник топшириқ талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, Марказ киберхавфсизлик субъектига экспертиза ўтказиш тўғрисида хабарнома юборади.

30. Ахборот тизими ва ресурсларини техник топшириқ талабларига мувофиқлик юзасидан экспертиза Марказ томонидан экспертиза ўтказиш тўғрисида хабарнома юборилган кундан бошлаб 60 иш куни ичида ўтказилади.

\* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

31. Экспертизадан ўтказишда ахборот тизими ва ресурслари техник топшириқда белгиланган техник талаблар асосида ишлаб чиқилганлиги текширилади.

32. Экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосаси расмийлаштирилади.

33. Ахборот тизими ва ресурслари техник топшириқда белгиланган техник талабларга мувофиқ бўлса, Марказ томонидан ахборот тизими ёки ресурсини техник топшириқ талабларига мувофиқлиги юзасидан ижобий эксперт хулосаси расмийлаштирилади ва 3 иш куни ичида киберхавфсизлик субъектига тақдим этилади.

34. Ахборот тизими ёки ресурслари мазкур Низомнинг 31-бандида белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, Марказ томонидан ахборот тизими ёхуд ресурсининг техник топшириқ талабларига номувофиқлиги тўғрисида салбий эксперт хулосаси расмийлаштирилади ҳамда унда ахборот тизими ёки ресурсининг техник топшириқ талабларига номувофиқлиги асослари кўрсатилади. Эксперт хулосаси имзоланган кундан бошлаб 3 иш куни ичида киберхавфсизлик субъектига тақдим этилади.

Марказ томонидан ахборот тизимлари ва ресурсларини техник топшириқ талабларига номувофиқлиги тўғрисида салбий эксперт хулосаси берилганда, киберхавфсизлик субъекти экспертизадан ўтказиш учун такроран ариза тақдим этиши мумкин. Бунда, такроран берилган ариза бўйича ахборот тизими ва ресурси ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда экспертизадан ўтказилади.

35. Эксперт хулосасида экспертиза ўтказишнинг асоси ва предмети, экспертиза ўтказилган муддатлар, ахборот тизими ёки ресурси бўйича умумий маълумотлар ҳамда экспертиза ўтказиш натижалари қисқача баён этилади. Экспертиза хулосасига ахборотни ҳимоя қилиш чораларини кўриш бўйича тавсиялар ва бошқа маълумотлар илова қилиниши мумкин.

36. Экспертиза хулосаси Марказ директори ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланади.

37. Ахборот тизими ёки ресурсига функционал ўзгартиришлар киритилса, шу жумладан янги версияда ишлаб чиқилса ёки унга қўшимча функциялар қўшилса, киберхавфсизлик субъекти 10 иш куни ичида ахборот тизими ёки ресурсининг ўзгартирилган қисмини мазкур ўзгартиришлар киритишга асос бўлган техник топшириқ талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш учун Марказга тақдим этиши лозим. Бунда, экспертиза ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.

#### **4-боб. Ахборот тизимлари ва ресурсларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш**

38. Ахборот тизими ва ресурсларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш мазкур Низомнинг 6-иловасида\* кўрсатилган схема асосида амалга оширилади.

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

39. Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизани ўтказиш учун ариза киберхавфсизлик субъектлари томонидан Марказга мазкур Низомнинг 7-иловасига\* мувофиқ қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этилади.

Аризага қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

ахборот тизими ёки ресурсини локал компьютерда ишга тушириш учун зарур бўлган манба кодининг ҳажми (мегабайтда (МБ) кўрсатилади);

ахборот тизими ёки ресурсининг модуллари сони;

ахборот тизими ёки ресурсидаги роллар сони (масалан, оператор, модератор, фойдаланувчи);

ахборот тизими ёки ресурси маълумотлар базасининг ҳажми (мегабайтда (МБ) кўрсатилади);

ахборот тизими ёки ресурсининг маълумотлар базасидаги жадваллар сони;

ахборот тизими ёки ресурсига интеграция қилинадиган (қилинган) бошқа ахборот тизимлари ва ресурслари сони ҳамда тавсифловчи маълумотлари;

техник ҳужжатлар тўплами, шу жумладан техник топширик, қўлланмалар ва бошқалар (зарурат мавжуд бўлса).

Конфиденциал маълумотларни қайта ишлашга мўлжалланган ахборот тизимлари ва ресурслари учун ушбу ахборот тизими ва ресурсини локал компьютерда ишга тушириш учун зарур бўлган манба коди талаб этилади.

40. Марказ ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни ичида тақдим этилган ариза ва унга иловаларни кўриб чиқади ҳамда ахборот тизими ёки ресурсини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида аризачига хабарнома юборади.

41. Киберхавфсизлик субъекти томонидан мазкур Низомнинг 39-бандида кўрсатилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаган ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганда, Марказ томонидан ахборот тизими ва ресурсини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказишни рад этиш тўғрисида хабарнома юборилади.

Киберхавфсизлик субъекти хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда экспертизадан ўтказиш учун такроран ариза бериши мумкин.

42. Мазкур Низомнинг 41-бандида кўрсатилган киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, Марказ киберхавфсизлик субъектига экспертиза ўтказиш тўғрисида хабарнома юборади.

Аризачи экспертиза ўтказиш учун зарурий дастурий ва/ёки техник воситалар ҳамда уларга тегишли бўлган ҳужжатлар билан Марказни таъминлайди.

43. Ахборот тизими ёки ресурсини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизани ўтказиш муддати ахборот тизими ёки ресур-

\* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда Марказ ва киберхавфсизлик субъектининг келишувига мувофиқ белгиланади, бироқ ушбу муддат экспертиза ўтказиш тўғрисида хабарнома юборилган кундан бошлаб 60 иш кунидан ошмаслиги лозим.

44. Экспертиза натижалари бўйича эксперт хулосаси расмийлаштирилади.

45. Экспертизадан ўтказишда ахборот тизими ёки ресурсини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги, шу жумладан ахборот хавфсизлиги заифликлари, ахборот тизими ёхуд ресурси администратори томонидан йўл қўйилган хатоликлар, ахборот тизими ёки ресурси доирасида жорий этилган заиф дастурий таъминотлар ва бошқа ҳолатлар текширилади.

46. Ахборот тизими ва ресурслари киберхавфсизлик талабларига мувофиқ бўлса, Марказ томонидан ахборот тизими ёки ресурсини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан ижобий эксперт хулосаси расмийлаштирилади ва 3 иш кун ичида киберхавфсизлик субъектига тақдим этилади.

47. Ахборот тизимлари ёки ресурслари мазкур Низомнинг 45-бандида белгиланган талабларга номувофиқ бўлса, Марказ томонидан ахборот тизими ёхуд ресурси киберхавфсизлик талабларига номувофиқлиги тўғрисида ҳисобот тузилади ва унда киберхавфсизлик талабларига номувофиқлик ҳолатлари, уларнинг оқибатлари ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар назарда тутилади.

48. Киберхавфсизлик субъекти ҳисоботда кўрсатилган номувофиқликларни бартараф этиб, Марказга 20 иш кун ичида қайта экспертиза ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин. Бунда, Марказ томонидан қайта экспертиза 10 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Киберхавфсизлик субъекти томонидан 20 иш кун ичига муддатда тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда кўриб чиқилади ва экспертизадан ўтказилади.

49. Ахборот тизимлари ёки ресурсларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан эксперт хулосасида экспертиза ўтказишнинг асоси ва предмети, экспертиза ўтказилган муддатлар, ахборот тизими ёки ресурси бўйича умумий маълумотлар ҳамда экспертиза ўтказиш натижалари, ахборотни ҳимоя қилиш чораларини кўриш бўйича тавсиялар ва бошқа маълумотлар баён этилади.

50. Эксперт хулосаси ва ҳисобот Марказ директори ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланади.

51. Ахборот тизими ёки ресурсига функционал ўзгартиришлар киритилса, шу жумладан янги версияда ишлаб чиқилса ёки унга қўшимча функциялар қўшилса, киберхавфсизлик субъекти 10 иш кун ичида ахборот тизими ёки ресурсини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш учун Марказга тақдим этиши лозим. Бунда, экспертиза ушбу Низомда белгиланган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.



**5-боб. Яқуний қоидалар**

52. Марказ ва унинг масъул ходимлари экспертиза ўтказиш жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаши лозим.

53. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ РАИСИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**405** Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3574*

Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 февралдаги ПҚ–75-сон «Қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 15 октябрь,  
114-сон

*Келишилди:*

**Техник жиҳатдан тартибга  
солиш агентлиги директори**

**А. ЖУМАНАЗАРОВ**

*2024 йил 19 сентябрь*

**Рақамли технологиялар вазири**

**Ш. ШЕРМАТОВ**

*2024 йил 24 сентябрь*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат хавфсизлик хизмати раисининг  
2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларни (бундан буён матнда киберхавфсизликни таъминлаш воситалари деб юритилади) мажбурий сертификатлаштириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини сертификатлаштириш** — киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар (бундан буён матнда норматив ҳужжатлар деб юритилади) талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш тартиб-таомили;

**сертификатлаштириш органи** — «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонаси;

**синов лабораторияси** — сертификатлаштириш синовларини ўтказувчи аккредитациядан ўтган синов лабораториялари ёки синов маркази;

**аризачи** — киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи ёки фойдаланувчи жисмоний ёхуд юридик шахслар.

2. Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади.

3. Давлат сирларини ўз ичига олган маълумотларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган воситалар ахборотни техник ҳимоялаш воситалар сифатида ўрнатилган тартибда сертификатланади ҳамда мазкур Низом талаблари татбиқ этилмайди.

4. Аризачи киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини сертификатлаштириш учун намуналарни танлаш, идентификация қилиш ва синовдан ўтказишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

5. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини сертификатлаштириш ушбу Низомнинг 1-илоvasидаги\* схемалар асосида амалга оширилади.

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**2-боб. Аризаларни бериш ва кўриб чиқиш**

6. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини сертификатлаштириш учун аризачи сертификатлаштириш органига аризани қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этади.

7. Сертификатлаштириш учун аризага қуйидагилар илова қилинади:

киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини ўрнатиш, созлаш учун фойдаланувчи ва администратор йўриқномаси ҳамда дастурнинг ўрнатиш файллари;

ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ бошқа сертификатлаштириш органидан олинган мувофиқлик сертификати тўғрисида маълумот (мавжуд бўлган тақдирда);

киберхавфсизликни таъминлаш воситалари дастурий таъминотининг функционал имкониятлар тавсифи тўғрисида маълумот;

киберхавфсизликни таъминловчи аппарат ва аппарат-дастурий воситаларнинг ёрлиғи (маркировкаси) намунаси;

киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини серияли ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш учун ариза топширилганда, киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқариш жараёни тўғрисидаги маълумотлар;

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи тегишли объект рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги муҳофаза ҳужжати (гувоҳнома, патент ёки уларга илова) нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);

импорт қилинаётган киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг кузатув ёки бошланғич ҳисоб ҳужжатлари (мавжуд бўлган тақдирда).

Конфиденциал маълумотларни қайта ишлашда иштирок этувчи киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини сертификатлаштириш учун аризага дастурий таъминотнинг компиляция қилинувчи манба коди, мазкур Низомнинг 2-илласига\* мувофиқ шаклдаги дастурнинг тавсифи ҳамда аппарат ва аппарат-дастурий воситалар учун конструкторлик ҳужжатлари илова қилиниши лозим.

8. Сертификатлаштириш органи ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда бу ҳақда аризачини хабардор қилади.

9. Аризачи томонидан мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар тақдим этилмаганда, сертификатлаштириш органи қонунчиликда белгиланган асосларни кўрсатган ҳолда сертификатлашни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради ва ушбу қарор нусхасини аризачига юборади.

10. Сертификатлаштириш органи аризачи томонидан барча ҳужжатлар тақдим этилганда, сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорда киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини сертификатлаштиришнинг барча асосий шартлари, шу жумладан сертификатлаштириш схемаси ва сертификатлаштиришни ўтказиш учун норматив ҳужжат ҳамда

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

синовлар ўтказиладиган аккредитация қилинган синов лабораторияси кўрсатилади.

### **3-боб. Намуналарни танлаб олиш ва идентификация қилиш**

11. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини сертификатлаштириш учун намуналарни танлаб олиш ва идентификация қилиш сертификатлаштириш органи томонидан сертификатлаштиришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни ичида амалга оширилади.

12. Сертификатлаштириш учун танлаб олинadиган намуналар сони норматив ҳужжатларда кўрсатилган синов усулларида келиб чиқиб, бир мартаба тўлиқ синовларни ўтказишга етарли миқдорда белгиланади.

13. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини идентификация қилиш уларнинг идентификация белгиларини мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган маълумотлар билан визуал солиштириш орқали амалга оширилади.

Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг идентификация белгиларига киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг тури (моделли), сони, ишлаб чиқарилган санаси, дастурий маҳсулотлар учун манба кодида яратилган файллар санаси, ишлаб чиқарувчининг номи, ишлаб чиқарувчи жойлашган мамлакат ва норматив ҳужжатлар талабларида келтирилган маълумотлар кирилади.

14. Намуналарни танлаб олиш ва идентификация қилиш далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома икки нусхада тузилади ва унинг бир нусхаси аризачига топширилади.

15. Идентификация қилиш натижаларига кўра аризачи томонидан тақдим этилган киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг намуналари уларга нисбатан қўлланиладиган норматив ҳужжатлар талабларига ёки мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган маълумотларга тўғри келмаслиги аниқланса, сертификатлаштириш органи томонидан намуна танлаш амалга оширилмайди ва сертификатлаштириш ишларини ўтказиш рад этилади.

Бунда, сертификатлаштириш органи томонидан бир кун ичида аризачига сертификатлаштиришни ўтказиш рад этилганлиги ҳақида аниқланган камчиликларни кўрсатган ҳолда хулоса берилади.

Аризачи идентификация қилиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиб, сертификатлаштириш органига такроран ариза бериши мумкин.

### **4-боб. Синов ишларини ўтказиш**

16. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини сертификатлаштириш учун синов ишлари синов дастури асосида амалга оширилади. Синов дастурида киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини синовдан ўтказишда қўлланиладиган норматив ҳужжатлар талаблари, синов методлари, текшириладиган параметрлар ва характеристикалар таркиби кўрсатилади.

Синов дастури сертификатлаштириш органи томонидан синов лабора-

торияси билан биргаликда ишлаб чиқилади ва аризачи билан келишилади. Синов дастури сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

17. Танлаб олинган намуналар синов дастури билан биргаликда намуналар танлаб олинган кундан бошлаб уч кун ичида синов лабораториясига тақдим этилади.

18. Синов лабораториялари киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини норматив ҳужжатлар ва синов дастурига мувофиқ синовларни амалга оширади.

Синов ишлари синов лабораториясида, ишлаб чиқарувчининг объектларида ва эксплуатация қилиш жойида ўтказилиши мумкин.

Аризачи сертификатлаштириш органини сертификатлаш синов ишларини ўтказиш учун зарурий дастурий ва/ёки техник воситалар ҳамда уларга тегишли ҳужжатлар билан таъминлайди.

19. Синов жараёнида киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг дастурий таъминотида ва/ёки унга тегишли ҳужжатларда номувофиқликлар аниқланса, синов лабораторияси бу ҳақда сертификатлаштириш органини ва аризачини хабардор қилади.

Сертификатлаштириш органи бир кун ичида аризачини киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг дастурий таъминотида аниқланган номувофиқликларни бир ойдан кўп бўлмаган муддатда бартараф этиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади.

20. Аризачи киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг дастурий таъминотидаги барча номувофиқликларни белгиланган муддатда бартараф этгандан сўнг сертификатлаштириш органига синов ишларини давом эттириш учун дастурий таъминотни тақдим этади. Аризачи томонидан тақдим этилган дастурий таъминот бир кун ичида сертификатлаштириш органи томонидан синов лабораториясига юборилади.

Аниқланган номувофиқликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса ёки дастурий таъминотдаги ва/ёки унга тегишли ҳужжатларда номувофиқликлар қайта аниқланса, сертификатлаштириш органи рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда мувофиқлик сертификати беришни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради ва қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида қарор нусхасини аризачига электрон ёки ёзма шаклда юборади.

21. Синов лабораторияси синовлар натижалари бўйича синов баённомаларини расмийлаштиради. Синов баённомаларида киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ёки номувофиқлиги юзасидан хулоса кўрсатилади.

22. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини синов ишларининг муддати норматив ҳужжат бўйича ўтказиладиган синов усулларига мувофиқ белгиланади.

23. Намуналарнинг синови сифати ва натижаларнинг ҳаққонийлигига, шунингдек синов баённомаларининг сақланишига синовларни амалга оширган синов лабораторияси масъул ҳисобланади.

24. Синов баённомалари синовларни амалга оширган масъул мутахас-

сислар томонидан имзоланади ва синов лабораторияси раҳбари томонидан тасдиқланади. Тасдиқланган синов баённомалари сертификатлаштириш органига тақдим этилади.

### **5-боб. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини ишлаб чиқариш шароитларини баҳолаш**

25. Ишлаб чиқариш шароитларини баҳолаш сертификатлаштириш синовларидан сўнг сертификатлаштириш органи томонидан амалга оширилади. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг синови натижалари салбий бўлса, ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш амалга оширилмайди.

Ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш учун сертификатлаштириш органи ўз ходимлари ва (ёки) бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда комиссия тузади.

26. Сертификатлаштириш органи ишлаб чиқариш шароитларини баҳолашдан олдин сертификатлаштириш учун аризачи томонидан тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилади ва ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш дастурини ишлаб чиқади.

Ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш дастури аризачи билан келишилади ва сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

27. Ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

28. Ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш сертификатлаштириш органи томонидан тузилган комиссия ва аризачи ёки унинг вакили иштирокида амалга оширилади.

29. Ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузилади ҳамда комиссия аъзолари ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси аризачига, иккинчи нусхаси эса сертификатлаштириш органига топширилади.

30. Комиссия аъзолари ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган ишлаб чиқарувчининг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва ушбу маълумотлардан ноқонуний равишда фойдаланмасликлари лозим.

### **6-боб. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш, мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш ва қайта сертификатлаштириш**

31. Сертификатлаштириш органи синов баённомаси ва ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш далолатномасини кўриб чиқиб, мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради ҳамда уни рўйхатдан ўтказди.

Сертификатлаштириш натижалари (синов баённомаси, ишлаб чиқариш шароитини баҳолаш далолатномаси) салбий бўлган тақдирда, мувофиқлик сертификатини бериш рад этилади.

32. Мувофиқлик сертификати барча сертификатлаштириш жараёнлари натижалари олинган кундан бошлаб уч иш куни ичида расмийлаштирилади.

33. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларига мувофиқлик сертификати:

аниқ версия ва назорат суммаси кўрсатилган киберхавфсизликни таъминлаш воситалари учун амал қилиш муддати кўрсатилмасдан;

серияли ишлаб чиқариладиган киберхавфсизликни таъминлаш воситалари учун уч йил муддатга берилади.

34. Киберхавфсизликни таъминлаш воситаларини серияли ишлаб чиқариш учун берилган мувофиқлик сертификатини қўллаш ва мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида сертификатлаштириш органи ҳамда аризачи ўртасида келишув тузилади.

Келишувда мувофиқлик белгисидан фойдаланиш шартлари, шартларни бузганлик учун аризачининг жавобгарлиги, сертификатлаштирилган киберхавфсизликни таъминлаш воситалари устидан сертификатлаштириш органи томонидан даврий баҳолашдан ўтказиш шартлари кўрсатилиши лозим.

35. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда, мувофиқлик сертификати мазкур Низомда белгиланган тартибда қайта сертификатлаштириш йўли билан расмийлаштирилади.

36. Серияли ишлаб чиқариладиган киберхавфсизликни таъминлаш воситалари дастурий таъминотининг манба кодига ўзгартиришлар киритилса ва бу манба кодининг назорат суммаси ўзгаришига олиб келса, аризачи ушбу дастурий таъминот версиясига ўзгартириш киритади ҳамда ушбу киритилган ўзгартиришларни тавсифловчи маълумотларни 3 иш куни ичида сертификатлаштириш органига тақдим этади.

Сертификатланган киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг норматив ҳужжатлар талаблари ва синов услублари ўзгарганда ёки янгиланганда, сертификатлаштириш органи бу ҳақда аризачини хабардор қилади.

37. Сертификатлаштириш органи аризачи томонидан тақдим этилган маълумотларни 10 иш куни ичида таҳлил қилади.

Сертификатлаштириш органи таҳлил натижаларига кўра, аризачини қайта сертификатлашни амалга ошириш зарурлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади ёки киберхавфсизликни таъминлаш воситасига аввал расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатини амал қилишини тасдиқлайди.

38. Сертификатланган киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг манба кодига киритилган ўзгартиришларни аниқлашни имкони бўлган тақдирда, қайта сертификатлаштириш дастурий таъминотнинг ўзгартирилган қисмига нисбатан амалга оширилади.

39. Сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб уч йил давомида сертификатлаштиришни амалга ошириш натижасида юзага келган барча ҳужжатларнинг сақланиши ва конфиденциаллигини таъминлаши шарт.

40. Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатларини тан олиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.



**7-боб. Даврий баҳолашни ўтказиш**

41. Серияли ишлаб чиқариладиган киберхавфсизликни таъминлаш воситаларига мувофиқлик сертификатини расмийлаштирган сертификатлаштириш органи ҳар йили камида бир марта сертификатланган киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг киберхавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида даврий баҳолашни ўтказди.

42. Даврий баҳолаш режали (даврий) ва режадан ташқари текширишлар шаклида амалга оширилади. Режали даврий баҳолашдан ўтказиш даврийлиги, ҳажми ва шартлари сертификатлаштириш органи ва аризачи билан тузилган келишувда белгиланади.

Режадан ташқари даврий баҳолаш сертификатлаштириш органи томонидан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати давомида дастурий таъминот ёки ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар олинганда;

фойдаланувчилар томонидан сертификатланган киберхавфсизликни таъминлаш воситаларида хавфсизликни таъминлашга таъсир қиладиган номувофиқликлар аниқланганлиги бўйича шикоятлар келиб тушганда;

аризачи томонидан келишув шартлари бузилганда.

43. Даврий баҳолашни амалга ошириш учун сертификатлаштириш органи томонидан комиссия тузилади.

Даврий баҳолаш сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган дастур асосида амалга оширилади. Даврий баҳолаш дастурида даврий баҳолашни ўтказиш бўйича ишларнинг мазмуни ва ҳажми, мақсади ҳамда объектлари бўлиши керак.

44. Даврий баҳолашни амалга оширувчи комиссия мазкур Низомнинг 3 — 5-бобларида белгиланган тартибда киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг намуналарини танлаб олади ва идентификация қилади, синов ишларини ўтказди ҳамда ишлаб чиқариш шароитларини баҳолайди.

45. Сертификатлаштириш органи даврий баҳолаш натижаларига кўра:

киберхавфсизликни таъминлаш воситалари норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлса, мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тасдиқлайди;

киберхавфсизликни таъминлаш воситаларида ишлаб чиқарувчининг ички ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланса, мувофиқлик сертификатини тасдиқлайди ва номувофиқликларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Бунда, камчиликларни бартараф этиш муддати ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак;

сертификатланган киберхавфсизликни таъминлаш воситалари норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаса, мувофиқлик сертификати тугатилади.

Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши уни тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

46. Даврий баҳолаш натижаларига кўра комиссия томонидан икки нус-

хада далолатнома тузилади ҳамда барча комиссия аъзолари ва аризачи томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси аризачига топширилади, иккинчи нусхаси эса сертификатлаштириш органига юборилади.

Бунда ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқаришни баҳолаш натижаларидан норози бўлган тақдирда ўз фикрини далолатномада баён қилиши мумкин.

47. Қуйидагилар мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туришга асос бўлади:

аризачининг ёзма мурожаати;

даврий баҳолашни ўтказишга ишлаб чиқарувчи томонидан шарт-шароит яратилмаганлиги;

мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати давомида дастурий таъминот ёки ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар олинмаганлиги.

48. Қуйидагилар мувофиқлик сертификатини тугатишга асос бўлади:

аризачининг ёзма мурожаати;

мувофиқлиги тасдиқланган киберхавфсизликни таъминлаш воситаларининг норматив ҳужжати (ҳужжатлари) ўзгарганда;

даврий баҳолашда аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф қилинмаганда.

49. Сертификатлаштириш органи мазкур Низомнинг 47 — 50-бандларида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан уч кун ичида мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тасдиқлаш, тўхтатиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорнинг бир нусхаси аризачига қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун ичида тақдим этилади.

Сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати тўхтатилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасига хабарнома юборади.

### **8-боб. Шикоятларни кўриб чиқиш**

50. Манфаатдор томонлар сертификатлаштириш натижаларидан норози бўлган тақдирда, сертификатлаштириш органининг Апелляция кенгашига (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) ёки бевосита судга мурожаат қилишга ҳақли.

51. Апелляция кенгаши сертификатлаштириш органи ва синов лабораториясининг қарорларига нисбатан шикоятларни кўриб чиқади.

Апелляция кенгаши томонидан шикоятларни кўриб чиқишда аризачи иштирок этиши мумкин.

Апелляция кенгаши берилган шикоятни 15 кун ичида кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида аризачига ёзма равишда маълум қилади.

52. Манфаатдор томонлар Апелляция кенгаши қарори бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикоят қилишлари мумкин.

**9-боб. Яқуний қоида**

53. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 24 октябрдаги 118-сон “Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2024 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3570.**

2. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 12 сентябрдаги 9-сон “Суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2024 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3571.**

3. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 8-oktabrdagi 31/11-son “Tijorat banklarida kassa ishini tashkil etish, naqd pul va boshqa qiymatliklarni inkassatsiya qilishga doir yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori.

**2024-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3028-9.**

4. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 8-oktabrdagi 180-son hamda Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil 25-sentabrdagi 2024-19-son “Byudjet tizimi byudjetlari daromadlarining kassa ijrosi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qarori.

**2024-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2771-5.**

5. O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 14-oktabrdagi 28-son, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2024-yil 2-oktabrdagi 18-q/q-son “O‘rta maxsus va professional ta‘lim muassasalarida pedagog xodimlar ish faoliyatining vaqt me‘yorlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori.

**2024-yil 12-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3572.**

6. O‘zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2024-yil 5-noyabrdagi 274-mh-son “UZ” domenidagi domen nomlarini ro‘yxatdan o‘tkazish va ulardan foydalanish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i.

***2024-yil 14-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1830-3.***

7. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 14-oktabrdagi 31/11-son "Bir qarz oluvchi, o'zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi, shu jumladan bankka aloqador shaxslar uchun tavakkalchilikning eng ko'p miqdori to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida"gi qarori.

***2024-yil 14-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3283-1.***

8. O'zbekiston Respublikasi Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasining 2024-yil 8-noyabrdagi 04/26-05/01-son "Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish va reklama to'g'risidagi qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi yuzasidan tahlil (o'rganish, ko'rik) o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi qarori.

***2024-yil 14-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2196-5.***

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 113-сон "Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2024 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3573.***

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон "Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

***2024 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3574.*****II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2015 йил 2 сентябрдаги 38/ҚҚ, 35-Қ/Қ-сон "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари учун намунавий йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (рўйхат рақами 2715, 2015 йил 23 сентябрь) шунингдек унга киритилган ўзгартириш (рўйхат рақами 2715-1, 2015 йил 27 октябрь).

***2024 йил 12 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

